

СамДЧТИ 2 «А» инглиз магистранти Эшонкулова Гулнозанинг «Газета тили ва услубининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги магистрлик

диссертацияси хақида

МУЛОҲАЗА

Тилшуносликда газета тили ва услуби маълум даражада ўрганилган бўлиб, бу соҳада кўплаб йирик тадқиқот ишлари, монографиялар, илмий мақолалар чоп этилган. Шунга қарамадан, ушбу мавзу ҳозиргача ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Шу нуқтаи назардан, Г.Эшонкулованинг магистрлик диссертацияси ҳам долзарб муаммолардан бирини очиб беришга бағишланган.

Мазкур магистрлик диссертацияси инглиз тилида газета тили ва услубининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш мақсадида юзага келди. Унинг «Тилшуносликда газета тили ва услубининг ўрганилиши», «Газета тили ва услубининг ўзига хосликлари» боблари бўлиб, уларда тилшуносликда газета тили ва услуби ўрганилиши, германшунос олимларнинг газета тили ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, герман тилларида газета услубининг тадқиқ қилиниши, газета сарлавҳаси ва матн ўртасидаги муносабатлар каби масалалар кўриб чиқилган.


Магистрант Г.Эшонкулова диссертация ишининг боблари ва қисмларида билдирилган фикр мулоҳазалар асосида ўзининг хулосаларини чиқарган. Магистрлик диссертацияси икки боб, тўрт қисм, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Магистрлик диссертацияси содда, раван тилда ёзилган бўлиб, талабларга жавоб беради, у маълум даражада илмий кизиқиш уйғотади. Билдирилган ушбу мулоҳазаларни инобатга олиб, магистрлик диссертациясини ижобий баҳолаш ва уни химояга тавсия этиш мумкин.

Илмий раҳбар,

филология фанлари номзоди

доц. М.Б.Бегматов



СамДЧТИ 2 «А» инглиз гуруҳи магистранти Эшонқулова Гулнозанинг
«Газета тили ва услубининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган
магистрлик диссертациясига

ТАҚРИЗ



Газета тили ва услуби масалаларни тадқиқ қилиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Ушбу муаммо герман тилшунослигида ҳам ўрганилган бўлиб, бу соҳада кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. «Газета тили ва услубининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган мазкур магистрлик диссертацияси ана шу долзарб муаммони очиб беришга бағишланган.

Магистрант Г. Эшонқулованинг магистрлик диссертациясида тилшунослиқда газета тили ва услубининг ўрганилиши, герман тилларида ушбу муаммонинг ўрганилиши, газета сарлавҳасининг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар тадқиқ қилинган. Таъкидлаш лозимки, магистрант Г. Эшонқулова ушбу масалаларни чуқур ўрганиб, ҳар тарафлама таҳлил қилиб, мавзу бўйича қўйилган масалалар бўйича хулосалар чиқарган. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида кўп сонли мисоллар кўриб чиқилган, улар атрофлича таҳлил қилинган.

Айтиш лозимки, мазкур магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида магистрант томонидан кўплаб илмий-назарий адабиётлардан фойдаланилгани сезилиб турибди, буни фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва уларнинг тадқиқот ишида ақс эттирилганлигида кўришимиз мумкин.

Мазкур магистрлик диссертацияси содда, тушунарли тилда ёзилган, у талабларга жавоб беради. Ушбу тадқиқот иши маълум даражада илмий қизиқиш уйғотади. Юқорида айтилганларни инобатга олиб, диссертацияни ижобий баҳога лойиқ деб топаман ва уни ҳимояга тавсия этаман.

Инглиз тили фонетикаси
кафедраси мудири, ф.ф.н


доц. Шерматов А. А.


«Газета тили ва услубининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган

магистрлик диссертациясига

ТАҚРИЗ

Тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири газета тили ва услуби масалаларни тадқиқ қилиш ҳисобланади. Тилшуносликдаги ушбу муаммо герман тилшунослигида ҳам ўрганилган бўлиб, бу соҳада кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Г. Эшонқулованинг «Газета тили ва услубининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган мазкур магистрлик диссертацияси ана шу долзарб муаммони очиб беришга бағишланган.

Г. Эшонқулованинг магистрлик диссертациясида умуман тилшуносликда газета тили ва услубининг ўрганилиши, герман тилларида ушбу муаммонинг ўрганилиши, газета сарлавҳасининг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар куриб чиқилган. Айтиш жоизки, магистрант Г. Эшонқулова ушбу масалаларни чуқур ўрганиб, ҳар тарафлама таҳлил қилиб, мавзу бўйича қўйилган масалалар бўйича узининг хулосаларини чиқарган. Ушбу диссертацияни тайёрлаш жараёнида кўп сонли мисоллар танлаб олинган, улар атрофлича таҳлил қилинган.

Таъкидлаш керакки, мазкур магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида магистрант томонидан фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан куришиб турибдики, магистрант кўплаб илмий-назарий адабиётлардан фойдаланган ва уларни тадқиқот ишида акс эттирилганлигини куришимиз мумкин.

Г. Эшонқулованинг мазкур магистрлик диссертацияси содда, тушунарли тилда ёзилган, у талабларга жавоб беради. Ушбу тадқиқот иши маълум даражада илмий кизикиш уйғотади. Юқорида айтилганларни инобатга олиб, диссертацияни ижобий баҳога лойик деб топаман ва уни химояга тавсия этаман.

СамДУ доценти:

А. Бобонаров
СамДУ кадри



А.Б. Бобонаров

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқид



ЭШОНҚУЛОВА ГУЛНОЗА ЭРКИНОВНА

**Газета тили ва услубининг ўзига хос
хусусиятлари**

5A-220102 – лингвистика (инглиз тили) мутахассислиги

филология магистри даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш факултетлараро чет тиллар
кафедрасида кўриб чиқилди ва химоёга
тавсия этилди.

Баённома № 13, _____ 30.05, 2012 й.

Кафедра мудирини доц. М.Б.Бегматов

Илмий раҳбар:
доц. М.Б.Бегматов.



МУНДАРИЖА

Кириш	3-5
I. боб Тилшуносликда газета тили ва услубининг ўрганилиши.....	6-25
1.1 Германшунос олимларнинг газета тили ҳақидаги фикр - мулоҳазалари.....	6-18
1.2 Герман тилларида газета услубининг тадқиқ қилиниши.....	20-27
II. боб Газета тили ва услубининг ўзига хосликлари	28-67
2.1 Газета сарлавҳаси ва матн ўртасидаги алоқанинг шаклланиши.....	28- 46
2.2 Газета сарлавҳасининг ўзига хос хусусиятлари	47-67
III. Умумий хулосалар	68-70
IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	71

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ижтимоий тараққиётнинг миллий модели ҳақида гапириб, шуни таъкидлаган эдики, “Билимдон, профессионал жихатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, Ўзбекистон мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эга оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиш мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим [1: 260]. Бу борада “ Юксак умумий ва касб ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мулжални тўғри ола билиш маҳоратига эга булган истиқлол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга кодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йуналтирилган кадрлар тайёлаш миллий дастури ишлаб чиқилди [2: 35]. Шунинг учун ҳам ушбу дастурнинг амалга ошириш жараёнида фаннинг роли, шубҳасиз ҳамма бу ерда фаннинг муҳимлиги умумий ва амалий тилшунослик соҳасига бориб тақалади. Газета – публицистик услуби нутқда мавжуд булган функционал услубларнинг асосийларидан биридир. Бу услубнинг асосий функциялари информация (хабар) бериш ва таъсир этиш вазифалари ҳисобланади. Бунда газета сарлавҳаларини роли ва аҳамияти бениҳоя каттадир, улар ҳал қилувчи вазифаларни бажариб келади.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги.

Газета тили ва услубининг структурал-семантик ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш ташкил этади. Ушбу мавзу тилшуносликда газета тилининг ўрганиш даражасини, сарлавҳаларнинг структура ва маъно жихатдан турларини аниқлаш орқали очиб берилади

Илмий-тадқиқот методлари. Магистрлик диссертациясида сарлавҳаларни структура ва маъно гуруҳларига ажратиш, уларни таҳлил қилиш методларидан фойдаланишади

Мақсад ва вазифалари. Маълумки тилшуносликда газета тили, услуги, газета сарлавҳаларини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан биз ушбу магистрлик диссертациясида газета сарлавҳаларининг структурал-семантик ўзига хос хусусиятларини очиқ беришни мақсад ва вазифа қилиб қўйганмиз.

Ишнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида тилшуносликда газета тили, услуги, газета сарлавҳалари бўйича мавжуд бўлган барча илмий назарий қарашлар методологик асос қилиб олинди. Иш маълум даражада илмий назарий аҳамиятга эга бўлиб, ундан лексикология ва стилистика фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларида фойдаланиш мумкин. Амалий аҳамияти шундаки, ишда баён этилган фикр-мулоҳазалардан услубий қўлланмалар, услубий тавсия ва кўрсатмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Муаммонинг ҳал этилиши. Магистрлик диссертацияси доирасида “Тилшуносликда газета тили ва услубининг ўрганилиши”, “ Газета тили ва услубининг ўзига хосликлари”, деб номланган бобларда олдимизга қўйилган муаммоларни тавсиф этиш, маълум гуруҳларга ажратиш, таҳлил этиш орқали ҳал қилишга ҳаракат қилинади.

Диссертацион ишнинг апробацияси. Мазкур иш факультетлараро чет тиллар кафедраси йиғилишларида муҳокама қилинган, ҳисоботлар асосида ҳимояга тавсия этилган.

Диссертацион тадқиқотнинг нашр этирилиши. Мавзу бўйича илмий мақолалар эълон қилинган: «Газета тилининг айрим хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар» (Тил системаси ва ҳозирги замон лингводидактикаси. Республика илмий - амалий анжумани материаллари. СамДЧТИ, 2011 131-132 б.), «Газета сарлавҳаларининг матн номланиши сифатида бажарадиган функциялари» (Тилшуносликнинг назарий ва амалий масалалри. СамДЧТИ 2012, 124 б). Мавзу бўйича кафедра илмий семинарларида, талабалар ва

магистрантлар илмий-назарий конференцияларида маърузалар килинган.
(2011-2012 й.)

Ишнинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси куйидаги қисмлардан ташкил топган; кириш қисми, 2 та боблар, қисмлар, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

I боб Тилшуносликда газета тили ва услубининг ўрганилиши

1.1 Германшунос олимларнинг газета тили ҳақидаги фикр-мулоҳазалари

Газета ва журналларга хос тил услуби, бошқа бадиий ва илмий адабиётга хос бўлган тил услубларидан тубдан фарқ қилади. Бу ҳол газетанинг асосий оммавий - ахборот воситаси сифатида бажараётган вазифасига мослаштириб танлаб олинган махсус тилниг ифода воситаларидандир. Қисқа муддатда газетхонга энг сўнги янгиликларни етказиш каби интилиш коммуникатив характерида ҳам, уларнинг тилдаги ифодасида ҳам ўз аксини топади. Газета кўп сонли турли-туман ўқувчиларга мўлжалланиб, улар диққатини ўзига тортиши керак. Газетанинг бирламчи-хабар етказувчи вазифасидир бошқаси эса таъсир ўтказувчи вазифаси билан секин сиқиб чиқарилаётган сабабли, газета тил услуби, публицистик услубниг алоҳида бир кўринишига айланиб бормоқда. Бироқ, газета чоп этилишининг махсус шартлари, яъни вақт тигизлиги, чоп этилаётган материалларга стилистик ишлов бериш имкониятларининг йўқлиги, тематика такрорланиши ва мавзуларнинг такрорланиши хилма-хиллиги чегараланганлиги, публицистик услубниг соддалаштирилишига, стандартлаштирилишига ва маълум лексик пасайтириш ҳолларига олиб келади. Стандарт мавжудлиги эса газета нуткига жуда хос бўлган газета штампларини туғдиради. Газетанинг бир нечта вазифалари мавжуд:

- 1) Ахборот бериш.
- 2) Ёритувчи.
- 3) Тарбиявий.
- 4) Ташкилотчилик.

Бу вазифалар турли усулларда амалга оширилади. Вазифаларнинг ҳар бири берилаётган хабарга ўзининг стилистик хусусиятларини қолдиради. Бироқ, газетанинг асосий тарғибот – ташвиқот вазифаси ўз аксини тил услубида топиб, ҳамма матнларда намоён бўлади. Инглиз газеталаридаги хабарларга хос тил инглиз адабий тил тизимида тарихий из қолдирилиб, бир қатор умумий белгиларга эга. Бу белгилар даврдан даврга ўзгариб, алоҳида газета ва публицистика жанрига хос бўлган кўпгина белгиларга ҳам эгадир [7: 383-405]. Газета услубининг ифодаланиш усуллариининг кўплиги М.Д. Галперин

газета услубини нуткнинг функционал услубларидан бири сифатида кўрсатиб, уни икки турга ажратади:

1) Газета услубининг мағзи бўлган хабар, сўз боши, эълонлар.

2) Публицистика жанрининг бир кўриниши бўлган газета мақолалари.

Кулаков А.А. газета тили ва услубининг муайян хусусиятларини алоҳида нутқ услубига бирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, “услуб тушунчаси жанр тушунчасининг ўрнига ишлатилади, чунки газета саҳифаларида тилнинг турли услубий тизимлари акс эттирилади. Бироқ, газета жанрида ишлатиладиган тил воситалар тизими турлича бўлишига қарамай газета услуби нуткнинг бошқа услублари орасида бир қатор умумий белгилари билан фарқ қилади” [8:79-80]. Газета хабарлари одатда тез тайёрланиб тез ўқилади. Шунинг учун, журналист учун ҳам, газетхон учун ҳам такрорланадиган ва аста-секин газета штампига айланадиган лексикани ишлатиш осон. Шундай қилиб, газета услуби хусусиятларидан бири такрорланадиган сўз ва ибораларнинг мавжудлигидир.

Маълумки, Буюк Британияда бир юз йигирмага яқин ҳафтанинг олти кунда чиқадиган ва якшанба кун ичида чиқадиган газеталар р мавжуд. Буюк Британия бўйлаб тарқатиладиган газеталар адади ўн беш миллион нусхада, якшанба кун ичида чиқадиганлари эса ўн етти миллиондан зиёддир. Ҳар бир кишига газеталар тақсимланиши жиҳатидан Буюк Британия Швециядан кейин дунёда иккинчи ўринни эгаллайди. Ташқи кўриниши ҳам таққослаганда шуниси аниқ бўладики, инглиз миллий газеталари юқорида кўрсатиб ўтилган икки гуруҳга бўлинади. Инглиз «сифатли» газеталари ўзининг кўзга ташланадиган жиддий оҳанги, ўртача ҳажмдаги сарлавҳалари ҳамда кичик ҳажмдаги тасвирлари билан ажралиб туради. Оммабоп рўзномалари эса, йирик, бутун биринчи саҳифани эгаллайдиган сарлавҳалар, қисқа хабарлар, ранг-баранг оҳанг ва суръатларнинг кўплиги билан фарқ қилади. Кундалик миллий газеталардан қуйидагиларни сифатли газеталар дейиш мумкин: “The Times”, “Financial Times”, “The Guardian”, “The Daily

Telegraph” ва оммабоп рўзоналар “Daily Mail”, “Daily Express”, “Daily Mirror”, “The Sun” ва бошқалар.

Ушбу нашриётлар газетхонлари хақидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, «сифатли»лик ва «оммабопли» лиги белгиларида сезиларли фарқлар бор. Биринчи турдаги газеталар ўқувчилари сонига йирик, ўрта ва қисман кичик давлат вакиллари, «оммабоп» газеталар ўқувчилари сонига эса, асосан малакали ва ярим малакали ишчилар, яъни камроқ даромади мавжуд аҳоли катлами киради.

Замонавий АҚШ матбуоти эса – бу улкан кўп тармоқли эгилувчан қуролдир. Бу қурол оммавий-ахборот воситаси сифатида ишлатилиб, тарғибот ишларининг энг кучли ва таъсирлисидир. АҚШда ҳаммаси бўлиб 60 миллион нусхани ташкил этувчи, адади эса 1700 та кундалик газеталар чоп этилади. Энг йирик нашриётга қуйидагиларни киритиш мумкин: “New York Daily News”, “Los-Angeles Times”, “New York Times”, “New York Post”.

Газеталарнинг бирламчи вазифаси ахборот тарқатиш, ҳозирги кунда янада тарғибот қилиш, таъсир ўтказиш вазифаси билан боғланиб бормоқда. Газеталарда маълумот етказишнинг махсус усуллари мавжуд. Уларнинг кўпчилиги анъанавий бўлиб қолган бўлсада, баъзилари фақат муайян миллий ва бошқа хусусиятларга эга. Инглиз тилидаги газеталар ҳажми жиҳатидан жуда улкандир. Миллий кундалик нашриёт ўз ичига 14 саҳифадан 32 саҳифагача бўлган ҳажми олади. Бу йирик ахборот манбасини бутунлигича кўриб чиқиш учун банд инглизлар вақт ажратиши қийин. Шунинг учун, улар таклиф қилинган матнларни танлаб қабул қилади. Оммавий газеталар эса нима бўлганда ҳам газетхон диққатини жалб этиб, ўз таъсирини ўтказиб келади. Шунинг учун, нашриётга бўлган қизиқиш, унинг адади ва ниҳоят, унинг мавжудлигига боғлиқ. Шу сабабдан, ахборот материали тескари пирамида шаклида тuzилади. Унга мувофиқ берилаётган далил ва хабарларни, уларнинг муҳимлиги камайиш тартибида берилиши керак. Энг асосий вазифа материалнинг кириш қисмига юклатилади. У турлича аталади, кириш гап, биринчи абзац, баъзан Lid (lead

–америка нашиётларида), баъзан эса кириш (интро) номлари ўзгариши билан унинг вазифаси ўзгармай қолаверади. Биринчи абзацда мухбирлар энг «қақшатқич» далилларни бериши керак, бунга сабаб, нафақат газетхонларнинг кириш қисмига диққатини тортиш, балки унданда мухимроқ сабаблари бор. Кириш қисми баъзан газетхон ўқийдиган ягона қисм бўлиб қолади.

Абзацнинг мухимлиги нашриёт газета ташки кўринишини тузишда ажратиб кўрсатилиши зарур. Бунинг учун қуйидаги тузиш воситалари ишлатилади: шрифтли ва график воситалар. Кириш қисми одатда кичикроқ бўлгани ёки бўялган шрифт билан ёзилиб, унинг ёзилиши ҳажми асосий колонка кенглигидан каттароқ бўлиб, кўпинча икки томонидан колонкага солинади. Таъкидлаб ўтишимиз керакки, инглиз журналистика хусусиятларига кўра, кириш қисми Who? What? Where? When? Why? саволларига жавоб бериши зарур. Одатда охириги бетларда чоп этиладиган тўлиқ хабарнинг мазмуни билан қисқача таништириши керак. Информацион хабарнинг ажралмас қисми-мақоланинг сарлавҳасидир. Агар биринчи абзац хабарнинг жуда сиқик кўриниши бўлса, мақоланинг сарлавҳаси яна бир марта сиқилган кириш қисмидир. Хабарни беришда ва газетхоннинг уни қабул қилишида бу «икки қарра сиқилган кўриниш» аҳамиятсиз эмас. Чунки, инглиз газеталарида мақола сарлавҳаларини мухбирлар эмас, балки махсус одамлар «headline writers» ёзади.

Инглиз журналистикаси тўғрисидаги дарсликларда газеталар қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилган: хабар (news), нашриёт мақолалари (leading articles), изоҳ, очеркли мақолалар (feature), спорт хабарлари ва реклама. Газетада яна мутахассис муаллифларнинг мақолалари, кўнгил очар материал, карикатура ва газетхонларнинг мухаррирга хатлари (correspondence) бўлиши мумкин. «Информацион» сўзи инглиз газеталарига хос эмас, унинг ўрнига “news” сўзи ишлатилади. «Янгиликлар» газеталарда ишлатилганда эса хабар маъносига келади. Буюк Британия марказий рўзномаларида хабар бўлими учун ажратилган саҳифалар

“newsroom” деб аталади. “News” тушунчасиниг ўзи эса турли қисмига ажратилади. News-stories - информацион материал, news-items-изоҳ, репортаж, очерк ва esselap-Reports.

Газета хабари кундалик хабар «Daily news» ва кутилмаган хабар «Hot news» га бўлинади. Бу икки турдаги хабарлар ҳам изоҳлар билан берилади. Улардан фарқли ўларок «Hard news» соф ҳолда, изоҳларсиз берилади. Daily news-анжуман, кенгаш, кечалар, митинг учрашувлар ҳақидаги хабарлар бўлиб, уларнинг ўтказилиши ҳақида маълумот олдиндан маълум бўлади. Hot news –турли-хил кутилмаган воқеа-ҳодисалар, ёнгин валюта қадрсизланиши ва давлат тўнтарилиши ҳақидаги маълумотлар берилади. Hard news – бу муаллифнинг тўғридан-тўғри баҳо ва хулосалари хроника шаклида берилган бўлади. Рўзномалар ўз хабарларига газетхонларни турли график шаклдаги воситалар ёрдамида ҳам жалб қиладилар. Турли хил шрифтлар газетхонларни бир кўз югуртирганда қизиқтириб ўзига тортади ва бу саҳифаларда бошқа воситаларнинг бўлиши, материалларнинг саҳифаларга (бетларга) бўлиниб берилиши, ҳамда фотоматериал, карикатураларнинг қўлланилиши шулар жумласидандир.

Уларнинг кўпчилигини нафақат газета услубида, балки нутқнинг бошқа услубларида ҳам учратиш мумкин. Бирок, уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги турлича.

Масалан, a champion of peace, cold war, vital issue, general disarmament, nuclear free zone, arms race, ва бошқаларни газета услубида учратиш эҳтимоллиги бошқа услубларга караганда юқорироқдир.

И. В. Арнолд таъкидлаганидек, “газета лексикасининг сон- сифат тахлили кўрсатадики, унда атокли отлар - топоним, антропоним, муассаса ва ташкилотларнинг номлари ишлатилиш фоизи юқори экан. Газета тилига хос бўлган белги, бу ундаги ижтимоий сиёсий атамалар, байналминал ва янги сўзлар (неологизмлар) нинг кўп ишлатилишидир” [4:76-77].

Газета услубининг лексик - граматик хусусиятлари.

Газета матнлари газетхонлар учун тушунарли қилиши, сонлаштириш мақсадида, газета луғатини нафақат тўғри маъноли сўзлар ишлатиш билан чегаралаиб қолмай балки бу турдаги матнларда кўплаб омоним, синоним, антоним ва кўп маъноли сўзлардан ҳам фойдаланиш ҳолларини учратиш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси газета тилини хилма-хиллигини таъминласада, газетхонларга чет тилдаги матнларни тушинишини кийинлаштиради. Уларнинг маъноси контекстда намоён бўлади. Масалан: power, great power,- буюк давлат, state power- - давлат ҳукумати, equal powers – тенг ҳуқуқлик, emergency powers - фавқулодда мухторият, man power - ишчи куч.

Полисемантик сўзларга эквивалент топишда жуда эҳтиёт бўлиш керак, чунки уларнинг маъноси ва маъно бўёқдорлиги жуда минимал бўлиши мумкин. Масалан: emergency - сўзининг маъноси- энг сўнгги чоралар бўлиб, (унинг типик контексти-in case of emergency - зарурат туғилса). У аниқловчи вазифасида ҳам келади, бу ҳолда бошқа эквивалентга эга: emergency care - зарур чоралар, emergency exit - фавқулотда ҳолатлар учун захира чиқиш йўли, emergency landing - мажбурий кўниш; emergency powers - фавқулодда мухторият.

Кўп маъноли сўзлар ўртасидаги фарқ кенг доирани ташкил этиб, улардан баъзиларининг алоқалари узилади. Масалан: trade-- касб, trade-- миждозлар. Cover story - инсоннинг энг муҳим хабари, газета тилида ўзак морфемада юзага келган маъноларини ясама сўзларда ҳам сақлаб қолади.

Масалан: coverage ҳодисани ёритиш, to receive wide coverage- матбуотда кенг ёритилиш. Газета тилининг яна бир хусусияти- бу синонимларнинг кўп ишлатилишидир, кўпинча турли мамлакатлар учун хос бўлган реалияларни ёритиш учун, битта тушунчани ифодалайдиган синонимлар ишлатилаверади. Масалан: рус фазогирлари cosmonauts,, Америка фазогирлари- astronauts; sputnik сўзига синоним сўз- satellite ишлатилади. Ёритилаётган ҳодиса содир бўлган мамлакатга қараб, ирқий зулм ўтказиш

сиёсати турлича ифодаланиши мумкин. Масалан: The white supremacy – тушунчаси ЖАРда apartheid атамаси билан ифодаланса, АҚШда – racism, Англияда– racialism дир. Газеталарда ишлатиладиган синонимлар одатда иккита луғавий бирликлар билан намоён бўлади:

Statesman= political figure

Strike= work-out - иш ташлаш

Intimidate= threaten - тақдид

Meeting= rally - митинг

Old-timer=veteran - ветеран

Negotiations= talks - музокара

Work- force= man-power- ишчи куч

Redundancy(for the work- force)= unemployment - ишсизлик

In route= on the way- йўлида

Demo= march-намоёиш.

Баъзи ҳолларда синонимларнинг жуфт- жуфт бўлиб ишлатилиши ҳам кузатилади. Антонимлар матбуот тилида нисбатан камроқ учрайди. Масалан: white- collar workersblue- collar workers; champions for peace- war-mongers.

Тематик гуруҳлар:

Юқорида айтганимиздек, газета услубининг ўзига хос хусусияти бу оммавий - сиёсий луғатнинг кенг доирада ишлатилишидир. Табиийки бу ерда бўлиниш ва чегараланишлар бўлиб, уларни асосан қуйидаги тематик гуруҳларга бўлиш мумкин. Тинчлик учун кураш, миллий озодлик учун кураш, қасаба уюшмалар ва иқтисод, келишувлар, анжуманлар ва таърифлар. Ҳар бир гуруҳда кўп учрайдиган қуйидаги сўзларни кўрсак бўлади:

1.Тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш:

Cold war, motion on peace, nuclear disarmament, aggression, weapons, peace, talks, demonstration, deadlock,

2.Миллий озодлик ҳаракати:

Yoke, colonialism, regime, struggle, independence,

- 1). Касаба уюшмалар: pay, picket, employment, political crises, keep wages down, labour force, collective far gaining
- 2). Иқтисод: income, tax, capital, investment.
- 3). Саноат: industry, automatic equipment, machinery.
- 4). Савдо: trade, price, world market, power industry
- 5). Сайлов: poll, election, vote, presidential candidate, hold an election.
- 6). Суд ишлари: accuse, attorney, case, criminal, court.
- 7). Анжуман, битим, ташрифлар: conference, forum, negotiations, to pay a visit, to sign an agreement.

Газета услубининг грамматик хусусиятлари қуйидагилар:

Артикл. Умумий қоидаларга биноан артикл ўзбек тилига таржима қилинмасда, газета матнларида у баъзан семантик вазифага эга бўлиб, гапни тўғри тушуниш учун катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, атокли отлар олдидан ноаниқ олмош вазифасида келадиган ноаниқ артиклга тегишлидир. Масалан: The M.P is a Mr.Hollen – Парламент аъзоси, қандайдир жаноб Холлен. This was a Coventry – бу яна бир Ковентри (портлаш) эди.

От. Газета матнлари билан ишлашда ўзбек тилига таржима қилишда сони мос келмайдиган отларга дуч келишимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, инглиз тилида уларнинг сонидан каътий назар, улар ўзбек тили нормаларига мувофиқ таржима қилинади. Буни бир неча мисолларда кўрамиз: The horror of Vietnam - Ветнамдаги уруш даҳшатлари It is there that anxieties are most pressing - Айни шу ерда кўрқув айниқса кучлидир.

Газета нуткида қуйидаги отлар кўп учрайди:

News - янгиликлар

information - хабарлар

Evidence- кўрсатмалар

debate – мунозаралар

Wages - маош

contents-- мазмун, мундарижа

Economics - иқтисодиёт

imports – импорт

Бутун бирикма сифат маъносида келса, от билан сон бирикмаларидаги отнинг бирликда ишлатилишига газетхон эътиборини қаратишимиз лозим.

Масалан: a five – year plan, on eight- years schooling, a six- day visit, a 1200- bed hospital.. Кўп ҳолларда аслият билан таржимадаги отлар сонлари мос келмайди.

Britain is the source of the phrase “brain- drain” which describes the movement of British talent to the USA- Breyn-dreyn бирикмасининг ватани – Буюк Британия бўлиб, унинг маъноси иқтидорли, билимли инглизларни АҚШга алдаб чақиришдир.

Эгалик келишиги. Қадимги инглиз тилида ҳамма отлар қараткич келишигида аниқловчи вазифасида ишлатилиши мумкин эди. Бироқ, кейинчалик фақат жонли нарсаларни ифодаловчи отлар қараткич келишигида эгаликни ифодалаш учун ишлатила бошлади. Ҳозирги инглиз тилида эса, қараткич келишигида жонсиз предметларни ишлатиш анъанаси ҳам ривожланиб бормоқда. Бу биринчи навбатда вақт, масофа, кейинги пайтларда эса мамлакат, ташкилот ва муассасаларни ифодаловчи отлар ҳам эгалик келишикда ишлатилмоқда. Масалан: The Republics Supreme Council, Britain’s Labour movement, France’s policy.

-с кўшимчаси бутун бир сўз бирикмага, эгалик белгиси сифатида тегишли бўлиши мумкин. Бу бирикма генетив гуруҳ деб аталади. Масалан: the disaremement Commetee’s Session - куролсизланиш кўмитасининг йигилиши.

The Queen of England’s policy- - Англия қироличасининг сиёсати. Сифат. Инглиз тилидаги сифатлар ва айниқса аниқловчи вазифасидаги ҳозирги замон сифатдош , кўпинча нафақат белги, балки эгалик, сабаб ёки натижани ифодалаб келади. Уларнинг бундай вазифада ишлатилиши газета тилига хосдир. Бу ҳолда, от билан отли ибора, ёки эргаш гап билан таржима қилинади. Масалан: book selling association – китоб сотиш бўйича компания decading action - парокандаликка элтувчи ҳаракатлар, вотинг систем сайлов тизими. Сифатлар инглиз тилида одатда ўзи аниқлаб келадиган отлар

олдидан ишлатилади, отдан кейин» келса, фақат кучайтириш, ургу бериш маъносида ишлатилади. Баъзи ҳолларда масалан, генерал – сифати билан постпозицияда аниқловчи вазифасида ишлатилади: Prosecutor General – бош прокурор. UN Secretary General – БМТ бош котиби, Attorney General – Адлия вазири.

Инглиз тилидаги сифатлар тизимида алоҳида ўринни «а» ҳарфи билан бошланадиган, ҳолатни ифодалайдиган сўзлар эгаллайди. Буларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтирсак бўлади: abroad, abreast, alike, aloof. Агар улар аниқловчи вазифасини бажарса, орқа ҳолатда туради: marcher's six and eight abreast – қаторасига олти ва етти намоёнчилар, Diplomats and public alike a ready to discuss – дипломатлар билан жамоат аҳли ҳам муҳокамага тайёр.

Феъл. Равиш маъноли феъллар. Инглиз тилида айна бир пайтда иккита, яъни биттаси ҳаракат, иккинчиси эса, ҳаракат белгиси, сабаби, натижаси ёки бажарилиш вазиятини ифодаловчи маънони бирлаштирувчи феъллар кўп учрайди. Уларнинг кўпчилиги инглиз луғати бойлигининг ажралмас қисми бўлса, қолганлари луғатга энди кириб келмоқда. Матбуотда улар айниқса тез-тез учрайди. Масалан, delegation banged out of the room and banged the door – делегациялар эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетдилар. The scramble for unskilled jobs – улар бор ишга ўзини урмоқдалар. Бироқ, қуйидаги сарлавхалар таржимасида кийинчиликлар туғдирмоқда.

“Police chief Told Toe Lira to Elsa...” – бу ерда to toe феъли буйруққа бўйсиниш маъносини беради. Бирикманинг ўзи эса метафора бўлиб, «бир текис туриш» демакдир. Бошқа мисолга қаранг: If they Red-bait you, stand your ground. Бу мисолда «Red-bait» қармоққа илинтирмоқ, пулга сотиб олмоқ – маъносида бўлиб, сарлавха таржимаси қуйидагича бўлади: «Агар улар ўзини қармоққа илинтирмоқчи бўлса, ўзингизникидан қолманг». Одатда, ўлик тушиниш ва адекват таржимага феълларнинг лексик ва грамматик ўлмаштиришлар натижасида эришилади. Афсуски, бу нарса декомпрессия, яъни узайтиришга олиб келсада ягона воситадир, чунки ўзбек ва рус

тилларидаги анологик ҳодиса йўқдир. Равишдош феъллар ёрдамида кўпинча ҳаракатнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишини ифодалаш учун ишлатилади. Равишдош феъллар ёрдамида тасвирлаш ўзига хос ифодалик, таъсирчан тасвирга эга бўлади. Ўзбек тилида экпрессия, ҳаракат тезлиги алмаштириш, равиш, эргаш гап қўшиш орқали амалга оширилади. Зарурат туғилса, сўз туркумини алмаштиришдан бу мақсадда фойдаланилади.

Замонлар мослашуви. Инглиз тили грамматикаси меъёрларига мувофиқ, агар эргашган қўшма гапнинг бош гап кесими ўтган замонда бўлса, эргаш гапнинг кесими ўтган замонларнинг бирида ёки келаси ўтган замонда ишлатилиши шарт. Бирок, газеталардаги айниқса сиёсий матнларда бу қоидадан воз кечилади, афтидан ҳаракат бажарилиш вақтида газетхонлар чалқашмаслиги учун бўлса керак.

Mr. Smith warned the economic situation on other NATO countries is also becoming critical.

It was learned in London this week that Mr. Victor Krushi, secretary general of the league of Human Rights in Argentina is also alive despite threats to his life. Secretary of Defense Mr. Brown said that there is Party of strength.

Мажхул конструкциялар. Матбуотда уларнинг кўп ишлатилишига асосий сабаб, ҳаракат бажарувчиси номаълумлиги ёки хабар учун муҳим эмаслигидадир.

A country support for the UN will be judged according to its willingness to accept UN mediation – Давлатнинг БМТни қўллаб қувватлаши мамлакатнинг ташкилот воситачилигини қабул қилишга қараб баҳо берилади.

Кўпинча метафорик бирикмалар билан мажхул конструкциялар адаштирилиши матнни тушинишни қийинлаштиради. Масалан, He was pitch forked into the post of Ministry of Health – Кутилмаганда уни Соғлиқни Сақлаш Вазири лавозимига тайинлашди ёки Stones and bottles were showered upon the marchers by white racialists— Оқ расистлар намоён катнашчилари устига тош ва шишалар улоқтиришди.

Мажхул конструкцияларни таржима қилишда инглиз тилида биринчи хабар берилиб, кейин еса унинг манбаи кўрсатилади. Хабарнинг ўзида биринчи воқеа, кейин унинг содир бўлиш жойи ва вақти кўрсатилади: The event was reported in Washington next morning.

Газета нутқида кўплаб мажхул конструкциялардан иборат штамплар ҳам мавжуд бўлиб, улар одатда хабарни яқунлайди. Масалан, to concern: As far as world economic problems are concerned. To state: The US special envoy arranged a talk on European problems, it was stated yesterday. to report, to understand.

Инфинитив. Газеталарда инфинитив компрессив вазифаларни бажариб, ўзида катта семантик юкни мужассамлаштиради. Масалан, Banner's too many to list – Байроқларнинг кўплигидан, уларни санаб бўлмайди.

Шу каби ҳолларда ўзбек тилида сўз бирикма ёки эргаш гап билан таржима қилинади. Эргаш гапнинг ўрнида инфинитивнинг ишлатилиши гапнинг ҳажмини кичикроқ, йиғикроқ бўлишини таъминлайди. Яна кўп учрайдиган нарса бу мажхул инфинитив конструкциялардир: This case needs to be seen in its connection with disarmament – Бу ҳодисани қуролсизланиш билан боғлаб кўриб чиқиш зарур.

Инфинитив кўп ҳолларда отнинг аникловчиси вазифасида ишлатилади. Отдан олдин келганда у одатда равишдан кейин қўйилади:

Масалан, This never to be forgotten day – Бу унутилмас кун. Отдан кейин келадиган инфинитив содир бўладиган ёки содир бўлиши мумкин бўлган ҳаракатни ифодалайди.

Ўтган замон сифатдоши. Ҳаракат жараёнинг ўзини емас, унинг натижасини, ҳолат ёки сифатини ифодалайди. Participle II газеталарда кўп ишлатилиб, абсолют конструкцияларни ташкил этади. Бундай ҳолатларда кўпинча инверсия содир бўлади. Called Enamite the coating lasts between 3 and 5 years – Enamite деб аталмиш тиш қопламаси уч йилдан беш йилгача чидайдди.

Ўтимсиз феълларнинг Participle II си камдан – кам ҳолатларда алоҳида ишлатилиб, одатда предлоглар билан келади: Arrived at this point the delegation halted - манзилга етиб делегатлар тўхташди. Худди шундай Participle эллиптик конструкцияларда ҳам ишлатилади: When asked Sandi B Buhr declared ... - Ундан сўрашганда, Санди Б. Бур ... деди.

Модалликнинг ифодаланиши. Энг кам ишлатиладиган усули to be to + инфинитив кўринишидир, бу бирикма олдиндан режалаштирилган ҳаракатнинг бажарилиши зарур ёки мақсадга мувофиқлигини ифодалайди: The propaganda campaign is to intimidate people – Тарғибот ишлари одамларни кўркитишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. The document is to go before the executive – ҳужжат қўмита томонидан кўриб чиқилиши зарур. Шартли эргаш гаплардаги to be + инфинитив алоҳида эътиборга сазовордир. Бу бундай ҳолатда ният, истак маъноларини ифодалайди: If the Labour Party is to draw the right conclusion from the General Election defeat, it will have to go deep into the conflict between the interests of the workers and the employers – – Агар Лейбористлар партияси умумий сайловдаги мағлубиятдан тегишли ҳулоса чиқармоқчи бўлса, у ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги елишмовчиликлар сабабларини чуқурроқ излашлари керак.

Предлог ва боғловчилар. Бу кўмакчи сўзлар алоҳида кизиқиш ётади. Улар газета нутқида, тамоман бошқача маъно олади деб ўйланмайди, бироқ шу билан бирга муайян конструкцияларда маълум предлогларнинг алоҳида маънони ифодалаб ишлатилиши кузатилади. Масалан, before – predlog, The document is to go before the executives – – ҳужжатда чуқурроқ маънони мужассамлаштирган. Бу предлог ёрдамида ҳужжат муҳофизат қўмитасига кўриб чиқишга берилиши хабар қилинади. For – предлоги ҳам иккинчи даражали маъноларда ишлатилади: a candidate for the district - okrugdan nomzod, prospryiet for detente – вазият юмшашига умид. Он предлоги газета матнларида турлича маъноларни англатади: position on detente – вазият юмшашига нисбатан қараш, suggestion on disarmament –

куролсизланиш хақида таклиф. Боғловчиларни таржима қилганда қўп маънолиги хақида унутмаслик керак. Масалан, While – нафақат пайтни, балки тўсиксиз эргаш гап боғловчиси вазифасида ҳам келади: The civil rights groups complained that while racial segregation was illegal in New York, it existed in fact – ижтимоий ҳуқуқлар учун курашувчи гуруҳлар Нью Йоркда ирқий тенгсизлик ноқонуний деб эълон қилса-да, аслида у мавжуд. Once нафақат пайт боғловчиси, балки шарт боғловчисидир: We are confident peace can be maintained once the determination is there – Биз аминмизки, агар қатъий бўлсак, тинчликни саклай оламиз.

1.2 Герман тилларида газета услубининг тадқиқ қилиниши

Информатив таржима маълум бир маълумотларни етказиш асосий вазифаси бўлган таржимадир. Бундай таржима турига мактублар таржимаси, реклама таржимаси, газета ва журналлар таржимаси киради. Информатив таржиманинг асосий вазифаси ўқувчига адабий - эстетик таъсир қилиш эмас, балки маълум бир маълумотларни етказишдир. Информатив маълумотни сакловчи матнларга илмий, ижтимоий-сиёсий характердаги материаллар киради. Шунингдек, буларга биз детектив хикояларни, саёхатлар тасвири, очерклар ва шунга ўхшаш информатив маълумотни ўзида сакловчи матнларни киритишимиз мумкин. Информатив ва адабий таржималарга бўлиниш оригиналдаги матннинг ўзида саклаётган вазифасига асосланади.

Сарлавҳалар газета хабарининг энг муҳим таркибий қисми ва таъсир воситасидир. У газетхоннинг диққатини мақоланинг энг муҳим ва энг қизиқ қисмларига жалб қилади. Кўп ҳолатларда мақоланинг тўлиқ моҳияти таъсирчилмасдан қолади ва газетхонни берилаётган маълумот билан яқиндан таништиришга ундайди. Сарлавҳалар таржимаси одатда алоҳида йўналишда йиғинчилик туғдиради. Бу нарса тил хусусияти, тил нормаларининг таъсирлилиши ва қисқартмаларнинг кенг ишлатилиши, ҳамда махсус тилиш белгилар билан боғлиқдир.

Америка Қўшма Штатлар ва Буюк Британия матбуоти таъсирчиллигининг асосий сабаби уларнинг спецификасига қараб, йўналишчилик туғдирадиган сарлавҳаларнинг ёрқин стилистик белгиларга эга бўлишидир. Инглиз-америка газеталарида сарлавҳа белгиловчи ролни ўйнайди. Унинг асосий вазифаси газетхоннинг эътиборини жалб этиш, уни таъсирчилликда қолдириш ва иккиламчи вазифаси эса маълумотни газетхонга етказишдир.

Бундай йўналишда иш олиб бориш натижасида Англо-Америка матбуотида ўзининг ўта таъсирчан лексик ва грамматик воситалари билан

характерланадиган газета сарлавҳаларнинг услуби ишлаб чиқарилган. Одатда сарлавҳалар телеграф тили шаклида ёзилади, яъни максимал даражада сизими кичрайтирилган ва иккинчи даражали семантик унсурлар тушириб қолдирилган ўта лаконик фразалардан ташкил топган. Шу билан бирга тушуниш осон бўлиши учун кўп ишлатиладиган сўзлар ва оддий грамматик шакллардан ташкил топган сарлавҳалар яратилади. Сарлавҳаларнинг лексико-грамматик хусусиятларини ва уларни таржима қилиш усулларини қуйидаги мисоллар билан кўриб чиқамиз.

1. Сарлавҳаларда одатда газетхон диққатини хабарнинг асосий маъносига жалб қилиш мақсадида артиклар ва to be кўмакчи феълнинг шахсий шакллари туширилиб қолдирилади. Ҳаракат Indefinite ёки Continuous замон шакллари орқали ифодаланади:

he) Uzbek Athlete (is) Winning (a) Prize.

Ўзбек спортчиси мусобақа голиби.

Houses (are) Smashed by (the) Hurricane

Тўфон оқибатида уйлар шикастланди.

2. Яқинда бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги хабар Present Indefinite замон шаклида берилади. Бу газетхонни ҳодиса, воқеага яқинлаштиради ва улар кизиқишини орттиради:

Influenza Kills 200 in India.

Ҳиндистонда грипп оқибатида 200 киши қурбон бўлди.

3. Келажакни билдирувчи ҳаракатлар кўп ҳолларда Infinitive ёрдамида ифодаланади:

Factory Workers to Resume Work.

Завод ишчилари иш соатини қисқартириш тараддудида.

4. Агар кесим иккинчи даражали бўлса, бундай ҳолатларда сарлавҳалардан кесим туширилиб қолдирилади:

Hurricane in Miami.

Маямида тўфон.

Oil in Shortage.

Нефт захиралари камаймоқда.

5. Кесимга ўзига хос эътиборни қаратиш мақсадида у билан бирга газетхонни кизиктириш учун эга туширилиб қолдирилади, агар кесим маъно жихатидан эгадан устун бўлса:

(They) Expect New Economic Depression.

Янги иқтисодий таназзул кутилмоқда.

6. Қаратқич келишиги ўзининг тузилишидан келиб чиққан ҳолда, жонсиз отлар билан ишлатилади ва OF оборотли отни гапдан четлаштиради:

Price Control's Discussion.

Нарх назорати муҳокамада.

7. Баъзи бир сиёсий арбоблар, санъаткорлар ва спортчилар фамилиялари ўрнига ҳамма учун таниш бўлган уларнинг қисқартирилган номлари ёки лақаблари ишлатилади:

Winnie = Winston Churchill.

Уинстон Черчил

Arni = Arnold Schwarzenegger.

Арнолд Шварценеггер

8. Эмоционал бўёк бериш учун неологизмлар, диалектизмлар, поэтизмлар ва сленглардан кенг фойдаланилади:

Cop – in place of Policeman.

Коплар полиция нозирлари.

9. Сарлавхаларда қисқартма отлар кўп ишлатилади. Одатда булар харфли қисқартмалар орқали ва кўп ҳолатларда уларнинг маъносини матн ўзидан тушуниб олиш мумкин. Масалан,

I.N.M Got Help.

Бу қисқартма ҳамма вақт ҳам ишлатилавермайди, шунинг учун лугатда ҳам мавжуд эмас. Унинг маъноси сарлавха тагида ёзилган матндан топиб олиш мумкин:

Injured by Hurricane in Minnesota received help of the Government.

Минисота штатида тўфондан зарар кўрганларга ҳукумат ёрдам қўлини чўзмоқда.

10. Образлилиқ унсурлари ишлатилиши мумкин:

Bush Rises his Eyebrows

Буш долу-хайрон.

American President on Fire

Америка президенти ташвишда.

Бундан ташқари, синтактик тузилишининг турли хиллиги кўпинча бир бошли номинатив отлардир: Youth in the World – Дунё ёшлари. . Women's action for Peace – Тинглик учун аёллар ҳаракати.

Тўлиқ йиғиқ гаплар ҳам учрайди: We shall win – Ғалаба бизники.

Тўлиқ содда ёйиқ гаплар ишлатилиши сарлавҳаларда кенг тарқалган. Мураккаб гапларга келсак, уларнинг ишлатилиш ҳоллари жуда кам. Яна сўроқ шаклидаги сарлавҳаларни ҳам учратиш мумкин: What lies beyond nuclear threshold? – Ядровий қуролланиш ортида нима бор?

Шаҳси номаълум гапларнинг ишлатилиши сарлавҳани кўзга ташланадиган қилиш учун ишлатилиб, ёрдамчи сўзлар ва ҳатто, баъзан мустақил сўзларни ташлаб кетиш орқали эришилади. Қисқа ва ғалати шаклга эга сарлавҳа газетхонлар диққатини ўзига тортиб, уларда қизиқиш уйғотади.

Зикр этилгандек Инглиз-америка газета сарлавҳаларини таржима қилишда ўзига хос ёндашувни талаб қилар экан. Эллиптик конструкцияларнинг одатий ишлатилиши сарлавҳаларнинг сигимининг ва динамикасини яратиб беради. Агар сарлавҳада образлилиқ мавжуд бўлса, у ҳолда матнини таржима қилиш олдидан уни ўкиб чиқиш ва унинг матидаги маъносини аниқлаш даркор. Шундан сўнггина биз сарлавҳада образлилиқ унсурларини таржимада саклаб қолишга ҳаракат қиламиз. Кўп ҳолларда сарлавҳанинг қизикарлилигини оширишга қаратилган унсурлар мавжудки, сарлавҳа ўзининг ахборот вазифасини йўқотади ва хабарда мавжуд маъносини бермайдиган даражада бўлиб қолади. Бундай ҳолларда

сарлавҳадаги сўзлар сонини унинг матндан маъно берувчи сўзларни олиб сарлавҳага қўшиш лозимдир.

Хулоса қилиб айтганда, сарлавҳаларни таржима қилишда аввал унинг матни билан чуқур танишиш керак, мақсад сарлавҳани тўғри, аниқ ва тушунарли қилиб таржима қилишди. Англо-Америка газеталаридаги матн ўзига хос қолипи, сиғимининг кичиклиги ва сарлавҳалар таркибидаги сўзларнинг образлилиги билан ажралиб туради.

Газета материалларини таржима қилиш усуллари

Газета тилини ўқитиш ҳозирги глобаллашув жараёнини бошдан кечираётган дунёда табора катта аҳамият касб этиб келмоқда. Замон билан бирга ҳамнафас бўлиб яшашни талаб қилаётган жамиятимизда, фан ва техника, ижтимоий ва халқаро муносабатлар ривожланиши, эски услублардан воз кечиб ва янги-янгиларини ишлаб чиқариб, уларни амалиётда қўллаш заруратини туғдирмоқда. Ушбу услублардан бирининг, яъни чет тили ва таржима амалиётини ўргатиш ўргатиш дарсларида газета ва газета материалларидан кенг фойдаланиб, улардаги матнлар билан танишишни ва ишлаб билишни ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Жаҳон Ҳамжамиятига шахдам қадамлар ила кириб борар экан, жаҳондаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазиятдан бохабар бўлиш зарурати мамлакатимиз фуқаролари учун муҳим вазифага айланиб бормоқда. Бу вазифани эса дунё мамлакатларида чоп этилаётган газеталарни ўқиш орқали амалга ошириш мумкин. Шундай экан, чет тилини ўрганаётган талабалар ўша тилдаги матбуот материаллари ёритган воқеаларни тушуна олиш ва қолганларни хабардор қила олиши шартдир.

Мазкур ишнинг ушбу қисмида биз газета материаллари таржимаси устидан ишлашнинг баъзи хусусиятларини кўриб чиқамиз. Оригинал газета матнларини ўқишда пайдо бўладиган жараённи биринчи навбатда лексик - грамматик қийинчиликларни бартараф этиш билан бошлаш керак.

Матнни тўғри тушунишга воқеа содир бўлган мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволдан ёки миллатга хос бўлган сўзлардан (реалиялар) дан беҳабарлик тўсик бўлиши мумкин ва бундай ҳолатларда изоҳлар муҳим рол ўйнайди.

Газета матнлари таржимаси устида ишлашнинг илк босқичи матнни ўқишнинг асосий шакли овоз чиқармасдан ўқишдир, чунки кейинги босқичда, яъни қийинчиликларни бартараф этишда матнни бир неча бор овоз чиқариб ўқиш ва баъзи сарлавҳаларни, гап ва ҳатто абзацларни таржима қилиш тавсия этилади. Бу жараёнда таржиманинг ўрни ҳақида алоҳида тўхталишимиз керак. Юқорида зикр этилганидек, газета матнлари билан ишлашнинг асосий мақсади уларни овоз чиқармасдан ўқиб, матнни таржимасиз малакаларини ривожлантиришдир, чунки, айнан шу малакалар газетхонларнинг фикрини матн мазмунида жамлаш ва ундан маълумот олишга йўл очади. Ўқитиш жараёни бошида мураккаб бўлмаган чет тилидаги газета матнларини танлаб, аммо сўзларини билмасдан ҳам тушуна олиш мумкин деган ишонч ҳосил қила олиш лозим. Матн ўқиладиганда ҳамма сўзларни билишга эътибор бермасдан тушунишга ҳаракат қилинади. Матнни қисмларга бўлиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки у матн композициясини бузиб, маълумот беришга ҳалакит беради. Бироқ, агар матн жуда катта бўлса, ундаги баъзи асосий мазмунга таъсир ўтказмайдиган абзацларни қолдириб кетиш тавсия этилади. Илк ишлар бажарилиб бўлингандан сўнг, матнни яна бир бор кўриб чиқиш фойдадан холи эмас, чунки бу нарса мазмунни бирламчи илгашда пайдо бўладиган индивидуал қийинчиликларни аниқлашга ёрдам беради.

Матн устида ишлаш уни талқин қилиш билан тугайди. Бунга воқеанинг ижтимоий аҳамияти, унинг сабаби ва мақсади. Одамлар ҳаракатига изоҳ, ўқилган материал ҳақида хулоса ва газета хабари ҳақида фикрларни киритиш мумкин. Юқорида кўрсатилганлардан қуйидаги босқичларни газета материаллари билан ишлаш жараёни босқичлари деб кўрсатишимиз мумкин.

Ўқишгача:

1. Матн мазмунидан ва иш мақсадидан хабардор бўлиш.
2. Баъзи сўзлар, грамматик модел ва сўз бирикмаларини алоҳида кўриб чиқиш. (Лексик ва грамматик кўринишдаги қийинчиликларни баргараф қилиш учун).

Ўқигандан сўнг:

1. Ўқилган материални тушунганлик даражасини аниқлашга ва матн мазмунини тўлиқроқ ўзлаштиришга қаратилган машқларни бажариш.
2. Ўқилган материал асосида ижодий характерга эга вазифаларни бажариш.

Газета матнлари таржимаси билан ишлашда қуйида ёрдам берадиган

баъзи газета қолипларини кўрсатиб ўтиш таъбирга жоиз деб ўйлаймиз:

The article	Is devoted to ..., is dedicated to ..., deals with ..., describes
The editorial	..., opens with description of ..., gives the description of ...,
The issue	contains the description of ..., points out that ..., is concerned with ..., dwells the readers attention to ..., comments on ..., discusses the events ..., reviews the events ..., stresses....

The talks were conducted in / mutual understanding

The atmosphere of / mutual respect

The negotiations were held / frankness

In the spirit of / friendship

The talks were conducted in mutual understanding.

The article stresses the necessity of discussing the problem of disarmament.

The editorial emphasizes the necessity of reaching an agreement on disarmament.

The statement points out the necessity of solving the problem of security.

The delegates of the conference have put forward a proposal.

The participants of the meeting have discussed a plan.

The members of the forum have approved a programme.

The negotiations on economic cooperation.

The talks on scientific cooperation.

The agreement on mutual assistance aid.

A meeting will be held in honour of a great holiday.

A conference will be convened on the occasion of the Independence.

Газета матнлари билан бир тизимли иш олиб бориб, ушбу газета қолиплардан таржимада ўзбек тили газета услубига хос қолиплар билан шимаштирилгандагина уланган мақсадга эришиш мумкин.

II. боб Газета тили ва услубининг ўзига хосликлари

2.1 Газета сарлавҳаси ва матн ўртасидаги алоқанинг шаклланиши

Публицистика нутқида мавжуд булган асосий функционал услубларидан бири булиб ижтимоий муносабатларнинг кенг соҳаларга измат қилади. Ушбу услубга қуйидаги икки асосий функция хосдир;

1. хабар, дарак бериш
2. таъсир этиш

Ана шу функция публицистик услубнинг вазифаларини аниқлаб беради. Ушбу публицистик услуб кенг китобхонлар оммасига ҳозирги замоннинг долзарб масалалари ҳақида хабар бериш, кишилар оғзига таъсир қилиб, уларни ишонтириш орқали маълум дунёқарашни шакллантириш берилаётган хабарнинг муҳимлигини таъкиклаш каби вазифаларни бажариб келади. Бунда газета ва журналларнинг аҳамият жуда каттадир

Кейинги йилларда газеталарга қўлаб тадқиқотчилар диққат эътиборини қаратиб келмоқда. Газета жамиятда содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларнинг ҳақиқатли жараёнларини ақс эттирувчи восита ҳамда лингвистик манба сифатида ҳам намоён бўлади .

Газетага хос бўлган тил услуби бадиий ва илмий адабиётга хос бўлган тил услубидан фарқ қилади. Асосий оммавий ахборот воситаси сифатида газета киска муддатларда китобхонга энг сўнгги янгиликларни етказиб, коммуникативликни амалга оширади, бу нарса уларнинг тилидаги ифодасида ҳам ўз аксини топади. Юқорида қайд қилинган фикр – мулоҳазалардан келиб чиқиб, газетанинг бир қанча вазифаларни бажариб келишини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1. Ахборот (информация) бериш
2. Маънавий – маърифий тарбия бериш:
3. Тарбиявий вазифаси
4. Ташкилотчилик вазифаси ва бошқалар .

Ушбу вазифаларнинг бажарилишида турли усуллардан фойдаланилади. Бу вазифаларнинг ҳар бири узатилаётган ахборотга нисбатан ўзининг услубий хусусиятларини кўрсатади. Газетанинг асосий аргумент-ташвиқот вазифаси ўз аксини тил услубида топади ва матнларда намоён бўлади. “Шу жиҳатдан инглиз газеталарига хос бўлган тил услуби адабий тил тизимида маълум даражада тарихий из қолдириб, бир қатор умумий белгиларга ҳам эга бўлади. Бу белгилар тилнинг тараққиёти натижасида алоҳида газета ва публицистика жанри сифатида шаклланади“ [7: 383 – 386].

Газета тилини ўрганиш жараёнида тақиқотчилар газета сарлавҳаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Чунки сарлавҳалар билан ишлаш, уларнинг маъносини тўғри англаб етиш муҳим рол уйнайди. Сарлавҳа берилаётган маъноларнинг энг муҳим компонентларидан биридир. Матнда у жуда катта аҳамият касб этади. Сарлавҳалар оддий матнга қараганда бошқачароқ грамматик ва стилистик қоидаларга бўйсунди.

Газета тили синтаксисини тадқиқ қилишда ҳозирги замон тадқиқотчилари “Газета сарлавҳаларининг структурасига кўпроқ эътибор берадилар“ [10:100]. Маълум синтактик моделлар асосида тузилган газета сарлавҳалари тил тараққиётида умумий синтактик тенденцияларни ифодалайди.

Шу билан бирга сарлавҳалар адабий тил умумий синтаксикда авжуд бўлган сўзга хос хусусиятларга эга бўладилар. Газета сарлавҳасининг структурал ўзига хос хусусиятларига ҳам эга бўладилар. Газета сарлавҳасининг структурал ўзига хослиги унинг асосий функцияларига мос равишда маълум моделлар орқали намоён бўлади.

Сарлавҳаларнинг структурал моделлари қуйидагича бўлиши мумкин :

1. Сўз Competition
2. Сўз бирикмаси World News
3. Эллиптик gap Goals aer achieved
4. Gap We are celebrating the New Year
5. Фразеологизм To catch red handed ва бошқалар

Демак, газета сарлавҳалари битта сўздан, сўз бирикмалари, эллиптик гап, тўлиқ гап, фразеологик бирикмалар, ҳикматли сўзлар, мақоллардан ташкил топган бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар газета сарлавҳаларига хос бўлган вазифаларни бажариб келади.

Уларнинг ичида образлилик, маълум ҳолатга баҳо бериш, прагматик функциялари алоҳида ўрин эгаллайди.

Маълумки, матнга қўйиладиган сарлавҳалар ўзига хос хусусиятларга ва структурал қўринишларга эга. Инглиз тилида сарлавҳаларни коммуникатив нуқтаи назардан қуйидаги ўзига хосликларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: матнинг коммуникатив мақсадини бажаришга қаратилганлиги, матнинг мантикий – семантик структураларда ифодаланиб келиши, ижтимоий – психологик коммуникатив вазифаларнинг акс эттирилиши кабилар.

Ҳар бир матнга қўйилган сарлавҳа тугалланган фикрни англатувчи гап ҳисобланади, у коммуникатив birlik бўлиб унинг мазмуни лингвистик ва лингвистик бўлмаган функционал кўрсаткичларнинг айрим умумлаштирилади. Сарлавҳаларнинг хабар бериш, номинативлик ва экспрессивлик функциялари унинг лингвистик функциялари қаторига киритилади, бу функциялар тилнинг лексик – грамматик воситалари ва турли хил birlikлари орқали амалга оширилади. Сарлавҳаларнинг реклама қилиш имкониятлари еса лингвистик бўлмаган вазифаларни бажаради.

Инглиз тилидаги матн ва унинг сарлавҳаси ўртасидаги чамбарчас алоқани алоҳида кўрсатиб кўрсатиш лозим. Бунда сарлавҳанинг танланиши, унинг лексик – семантик ва грамматик таркиби жуда муҳим аҳамият касб этади. Бизга берилаётган хабарнинг энг муҳим қисмини сарлавҳа ташкил этади. Сарлавҳалар оддий матнга караганда бошқачароқ грамматик ва стилистик коидаларга бўйсунди. Матн қўйиладиган сарлавҳалар сифатида кўпинча мақоллар, ҳикматли сўзлар, фразеологизмлар ва бошқа тил birlikлари қўлланиб, сарлавҳаларнинг маъноларини кучайтиришга,

арнинг прагматис аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Бундай лексик-семантик бирликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1 AMERICA BACKS BRITISH PEACE MOVE

2. The begining of everything is difficult

3 His friend on the play

4 NEW BAR ON IMMIGRANTS

5 Knowledge is power

6 The time of Marie has passed

Ушбу лексик – грамматик бирликлар матнларнинг сарлавҳалар сифатида қўлланилганда уларнинг китобхонга нисбатан прагматис таъсир кўрсатиши анча кенгайди, бу сарлавҳалар матннинг мазмуни ҳақида маълум беражада тушунча беради, муаллифнинг тасвир этилаётган воқеа – ҳодисаларга муносабатини ифодалайди. Бу ўринда шуни таъкидлаш заримки, юқорида кайд этилган лексик – семантик бирликлар турли хил ўзига хос бўлган хусусиятларни намоён этади. Сарлавҳаларнинг бундай ўзига хосликлари қуйидаги кўринишда намоён бўлиши мумкин: хабар бериш, шукрилик, фикрни қисқа шаклда баён қилиш, образлилик, китобхонни ўзига жалб қилиш ва бошқалар. Шунингдек, сарлавҳа орқали китобхон матннинг мазмуни ҳақида дастлабки тасаввурга эга буладилар. Турли хил стилистик усуллар сарлавҳаларнинг Янада ёркинрок , китобхонлар етиборини ўзига жалб этадиган, мазмунан тегин бўлишини тагинлайдиган воситалар сифатида исобланади .

Анна шу нуқтаи назардан олиб қаралганда муаллиф (шоир, ёзувчи)нинг вазифаси кўзга ташланадиган тез эсда қоладиган, китобхоннинг диққатини етиборини тортадиган сарлавҳаларни танлашдан иборат, бу вазифани бажариш учун эса тилда мавжуд булган ўзига хос лексик –семантик бирликлардан унумли фойдаланиш талаб этилади . Лексик–семантик ўзига хосликларига кўра фразеологизмлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар сарлавҳа сифатида қўлланиш учун жуда мос келади. Бундай лексик–семантик

Юкорида келтирилган мисолларда матннинг мавзуси ва унинг асосий тояси тўғридан-тўғри ифодаланган, бу ҳақидаги хабарни китобхон осон қабул қилади .

Сарлавҳа матн мавзусини ривожлантирувчи тезислардан бирини раолаштиради, бу – умумий мазмунини ташкил етувчи матн элементиدير.

Чет тилини ўқитиш ҳозирги глобаллашиш жараёнини бошидан кечираётган дунёда тобора катта аҳамият касб этмоқда. Жамиятимизда фан ва техника, ижтимоий, сиёсий ва халқаро муносабатларнинг ривожланиши, оски услублардан воз кечиб, янги-янгиларни ишлаб чиқиш ва дарс жараёнида уларни қўллаш, замон билан ҳамнафас яшаётган ўқитувчилар учун зарурат туғдирмоқда.

Ушбу усуллардан бири, талабаларни таржима амалиётига ўргатишда газета материалларидан кенг фойдаланиш, кизикарли матнлар билан танишиш ва ишлай билишни ўргатиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Жаҳон ҳамжамиятига шахдам қадамлар ила кириб бораётган экан, жаҳондаги ижтимоий ва сиёсий вазиятдан хабардар бўлиш зарурати мамлакатимиз фуқаролари зиммасига муҳим вазифа юкламоқда. Бу ҳол дунё мамлакатларида чоп этилаётган газеталарни ўқиш орқали амалга оширилади. Шундай экан, хорижий тилни ўрганаётган талабалар ўша тилдаги матбуот материаллари ёритган воқеаларни тушуна олиш ва талқин етиши шарт. Биз педагогларнинг бурчи уларга газеталар билан ишлашнинг асосий услубларини сингдиришдир. Ушбу мақола шу жараённинг баъзи хусусиятларини ёритишга уринамиз. Газеталарни ўқиш жараёнини биринчи навбатда оригинал матнларида юзага келадиган лексик–грамматик қийинчиликларни бартараф этиш билан бошлаш керак.

Матнни тўғри тушуниш муайян мамлакатдаги сиёсий аҳволдан ёки миллатга хос бўлган сўзлар (Реали) дан беҳабарлик матнни тушунишга тўсиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолда ўқитувчи изоҳлари муҳим аҳамият касб етади.

Газета матнларини ўрганишнинг асосий шарт овоз чиқармасдан шидир. Овоз чиқариб ўқишдан тилнинг график тизимини ўргатишдагина қдаланиш тавсия этилади. Бироқ бу овоз чиқариб ўқишдан бутунлай воз иш керак дегани эмас. Биринчи боскичда баъзан матнни таржимасиз ишниш малакаларни ривожлантиришдир. Айни шу малакалар етхонларнинг фикрини матннинг мазмунида жамлаш ва ундан маълумот олишга йўл очади. Ўқитиш жараёнининг бошида мураккаб бўлмаган илжий тилдаги газета матнларини танлаб талабаларда сўзларни билмасдан и тушина олиш мумкин деган ишонч ҳосил қилдириш керак. Улар ўётган матнни ҳамма сўзларини билмасада, тил тахмини воситасида иганиш сўзларга эътибор бермасдан тушинишга ҳаракат қиладилар. итнни қисмларга булиш мақсадга мувофик эмас, чунки у матн ипозиясини бузиб, маълумот олишга ҳалақит беради. Лекин матн жуда ита ҳажмда бўлса, ўқитувчи талабаларга ундаги баъзи асосий мазмунга итур етказмайдиган абзацларни қолдириб кетишни ҳам тавсия қилиши мкин.

Илк ишлар амалга оширилгач, матнни яна бир бор кўриб чиқиш йдадан холи эмас, чунки бу ҳол мазмунни бирламчи илғашда пайдо падиған индивидуал қийинчиликларни аниқлашга ёрдам беради. Ўқиб ипинилган матнни текшириш турини машқлар бажариш орқали амалга ириш мумкин. Матнни устида ишлаш уни талқин қилиш билан тугайди. инга воқеанинг ижтимоий аҳамияти, унинг, сабаби ва мақсади одамлар иракатиға изоҳ, ўқилган матн хулоса ва газета хабари тўғрисидаги икрларни киритиш мумкин.

Юкоридаги кўрсатилган фикрлардан қуйидагиларни газета матнлари итида ишлаш жараёни боскичлари деб кўрсатишимиз мумкин.

Ўқишга:

1. Талабаларни матн мазмунидан ва иш мақсадидан хабардор қилиш;

2. Баъзи сўзлар, грамматик модели ёки сўз бирикмаларини алоҳида кўриб чиқиш {лексик ва грамматик кийинчиликларни бартараф этиш мақсадида}.

Ўқигандан сўнг:

1. Ўқилган матнни тушунганлик даражасини аниқлашда ва матн мазмунини тўлиқроқ ўзлаштиришга қаратилган машқларни бажариш.;
2. Ўқилган матн асосида ижодий характерга эга вазифаларни бажариш.

Демак, газета матнлари ҳамда ахборот материаллари билан ишлаш борасида қуйидагиларни кўрсатса бўлади:

1. Баённинг лўнда сиқик ифодаланиши-гаётанинг ахборот қисмига ортиқча сўзларни ишлатмасликка ҳаракат қилиш (албатта бир-бири билан бўлган муносабатни ифодалашнинг ягона воситаси бўлган сўзларни ортиқча деб бўлмайди).
2. Атамалар ва номенклатура (муассаса, давлат органлари, лавозим номлари ва у ёки бу маросимларни ифодаласниши). Таржимон бу ҳолда ўз тилида уларни ишлатиш аъъаналарига
3. мувофиқ иш тутади, айна пайтда оригинал тилидаги ортиқча атамалардан воз кечади.
4. Узун, мураккаб таржима жараёнида ноаниқлик ва чалқашлик мақсадга номунофиқ бўлган гаплар синтаксисида намоён бўлиб, уларни қисмларга бўлиб таржима қилиш ҳам мумкин (газета матнлари учун илмий матнлардан фарқли уларок бўлинган гаплар табиийроқ кўринади).

Таржиманинг назарий ва илмий нуқтаи назаридан турли сиёсий партия, налиш ҳамда турли ижтимоий гуруҳ қизиқишларини ифодаловчи еталар ўртасида стилистик фарқлар ҳам яққол намоён бўлади. Бу ҳол абаларга дарс давомида алоҳида таъкидланиб ўтилиши керак.

Ҳар қандай газетанинг асосий вазифаси албатта янгиликдан кишиларни хабардор қилиш. Лекин савол туғилади, янгиликнинг ўзи нима, инглиз тилидаги янгиликни ўқиб тушиниш учун нималар қилиш лозим.

Қуйида биз шулар ҳақида фикр юритамиз ва газета материали билан ишлашнинг бир усулини тушунтириб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, мисол тариқасида турли хил газеталардан турли 12 хилдаги мақолаларни оламиз ва уларнинг сарлавҳаларини олиб, сарлавҳасиз қолдирамиз. Контекстидан ажратиб олинган сарлавҳаларни тўплаб бир варақга аралаш ҳолда ёзиб чиқиб, контекстларини ўқиб, таржима қилиб бўлгач аралашиб ётган сарлавҳаларнинг матнларини топиб, тўғри ҳолда жойлаштириб чиқишни вазифа қилиб топшириш ҳам мумкин.

Иккинчи бир вазифа эса дастлаб фақат 12 та сарлавҳаларни талабаларга тарқатиб, уларни таржима қилишни ва ҳар бир сарлавҳа остидаги мақоланинг нимадан иборат бўлишини қисқача муҳокама қилишни топшириш мумкин.

Инглиз газета матнлари сарлавҳаларида кўп ҳолларда услубий воситаларнинг ишлатилишини ҳам тез-тез кузатишимиз мумкин. Биз ҳозир қуйида келтириб ўтадиган 12 сарлавҳалардан исталган учтасини танлаб олиб, уларда “colloquialism”, “pun”, ёки “alliteration” каби услубий воситаларни ҳосил қилиб қайтадан талабаларнинг ўз вариантларини беришни вазифа тариқасида бериш мумкин.

Мисол учун қуйида берилган 12 нафар сарлавҳалардан “b” пунктдагисида McEnroe исмли киши ёмғир ёки шамол бўронида қолмаган, балки бу сарлавҳада “storm” сўзи “colloquialism” бўлиб келган ва “quarrel - жанжал” ёки “row ” маъноларида ишлатилган. “c” пунктдаги сарлавҳада эса аллитерация “alliteration”, бир хил ҳарфлар билан бошланадиган сўзлар тизими ишлатилган, яъни бу сарлавҳада “c” ҳарфи бир неча сўзга такрорланиб келиб аллитерацияни ҳосил қилмоқда.

Аллитерация усули инглиз тилида бир неча юз йиллардан буён ишлатилиб келинмоқда, чунки унда жуда кучли ритм мавжуд. “g”

пунктдаги “Milkie Way” деб номланган сарлавҳада сўз ўйинидан ёки бўлмаса инглиз тили стилистикасида учрайдиган “Pun” деб номланувчи услубий восита қўлланилган. Биз биламизки инглиз тилида “Milkie Way” тушунчаси баъзан биз осмонда кўриб турадиган бир гуруҳ юлдузлар туркумини ифодалайди. Лекин ушбу сарлавҳада “Milkie” сўзи “milkman” сўзининг кискартмаси шаклида, “way” сўзи эса “manner – усул, услуб” маъносида ишлатилган.

Маълумки, матнга қўйиладиган сарлавҳалар ўзига хос хусусиятларга ва структурал кўринишларга эга. Немис тилида сарлавҳаларни коммуникатив нуктаи назардан қуйидаги ўзига хосликларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: матннинг коммуникатив мақсадини бажаришга қаратилганлиги, матннинг мантиқий - семантик структураларда ифодаланиб келиши, ижтимоий - психологик коммуникатив вазифаларнинг акс эттирилиши кабилар.

Ҳар бир матнга қўйилган сарлавҳа тугалланган фикрни англатувчи гап ҳисобланади, у коммуникатив birlik бўлиб, унинг мазмуни лингвистик ва лингвистик бўлмаган функционал кўрсагичларнинг айрим умумлаштирилади. Сарлавҳаларнинг хабар бериш, номинативлик ва экспрессивлик функциялари унинг лингвистик функциялари қаторига киритилади, бу функциялар тилнинг лексик-грамматик воситалари ва турли хил birlikлари орқали амалга оширилади. Сарлавҳаларнинг реклама қилиш имкониятлари эса лингвистик бўлмаган вазифаларни бажаради.

Инглиз тилидаги матн ва унинг сарлавҳаси ўртасидаги чамбарчас алоқани алоҳида кўрсатиб ўтиши лозим. Бунда сарлавҳанинг танланиши, унинг лексик - семантик ва грамматик таркиби жуда муҳим аҳамият касб этади. Бизга берилаётган хабарнинг энг муҳим қисмини сарлавҳа ташкил этади. Сарлавҳалар оддий матнга қараганда бошқачароқ грамматик ва стилистик қоидаларга бўйсунди. Матнга қўйиладиган сарлавҳалар сифатида кўпинча мақолалар, хикматли сўзлар, фразеологизмлар ва бошқа

тил бирликлари қўлланиб, сарлавҳаларнинг маъноларини кучайтиришга, уларнинг прагматик аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Бундай лексик-семантик бирликларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

Ушбу лексик-грамматик бирликлар матнларнинг сарлавҳалари сифатида қўлланилганда уларнинг китобхонга нисбатан прагматик таъсир доираси анча кенгайди. Бу сарлавҳалар матннинг мазмуни ҳақида маълум даражада тушунча беради, муаллифнинг тасвир этилаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини ифодалайди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган лексик-семантик бирликлар турли хил ўзига хос бўлган хусусиятларни намоён этади. Сарлавҳаларнинг бундай ўзига хосликлари қўйидаги кўринишда намоён бўлиши мумкин: хабар бериш, аниклик, фикрни қисқа шаклда баён қилиш, образлилик, китобхонни ўзига жалб қилиш ва бошқалар. Шунингдек, сарлавҳа орқали китобхон матннинг мазмуни ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўладилар. Турли хил стилистик усуллар сарлавҳаларнинг янада ёркинроқ, китобхонлар эътиборини ўзига жалб этадиган, мазмунан теран бўлишини таъминлайдиган воситалар ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда муаллиф (шоир, ёзувчи) нинг вазифаси кўзга ташланадиган, тез эсда қоладиган, китобхоннинг диққат - эътиборини тортадиган сарлавҳаларни танлашдан иборат, бу вазифани бажариш учун эса тилда мавжуд бўлган ўзига хос лексик - семантик бирликлардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Лексик - стилистик ўзига хосликларига кўра фразеологизмлар, мақолалар, ҳикматли сўзлар сарлавҳа сифатида қўлланиш учун жуда мос келади. Бундай лексик - семантик бирликлар иштирок этган сарлавҳалар китобхоннинг диққат - эътиборини ўзига жалб эта олади, матннинг асосий мазмунини англаб етиш имкониятини яратади. Юқорида қайд қилинган бирликлар матн сарлавҳалари сифатида ўзларининг асосий (асл) маънолари ва кўчма маъноларини ифода этиб келади.

Ана шу бирликлардан ташкил топган сарлавхалар қисқа структурал шаклда бутун матннинг асосий мазмуни ҳақида хабар беради, бунда улар маълум коммуникатив - прагматик функцияларни бажариб келади.

Одатда сарлавҳа матннинг номланиши сифатида унинг мазмуни, маълум даражада матн билан боғлиқлиги ҳақида хабар беради. Ана шу орқали сарлавҳанинг хабар бериш функцияси амалга оширилади. Дастлаб матн маъно тузилишнинг хилма-хил элементлари сарлавҳада қай даражада ўз ифодасини топишини аниқлаш зарур. Матннинг маъно тизимига ана шу матннинг асосий ғояси, дастлабки ва ривожланиб боровчи тезислар, вазиятни таҳлилий баҳолаш, матнда берилётган хабарнинг мақсади киради. Сарлавҳаларнинг кўпчилиги матннинг асосий мавзусини ифода этади.

Матн мавзуси унинг асосий ғояси таркибига киради. Сарлавҳанинг асосий вазифаларидан бири китобхонга эълон қилинаётган матннинг мавзуси ҳақида хабар беришдан иборат. Китобхон ана шу хабар орқали матннинг мавзусини англаб олади. Масалан: “Бизнинг футбол жамоамиз бу сафар яхши ўйнамади”.

Ушбу сарлавҳа орқали матнда келтирилатган аниқ фактлар ҳақида хабар бериледи, матнни ўқиш жараёнида сарлавҳада ўз аксини топган хабар янада аниқлашади.

Айрим сарлавҳаларда берилётган хабарнинг қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилади. Бундай сарлавҳалар китобхонда катта қизиқиш уйғотади. Матннинг мавзуси сарлавҳада ўзининг тўлиқ ифодасини топади. Масалан: “Майкл асосий вазифани бажарди”.

Юқорида келтирилган мисолларда матннинг мавзуси ва унинг асосий ғояси тўғридан-тўғри ифодаланган, бу ҳақдаги хабарни китобхон осон қабўл қилади. Сарлавҳа матн мавзусини ривожлантирувчи тезислардан бирини фаоллаштиради, бу - умумий мазмунини ташкил этувчи матн элементиدير. Матннинг умумий мазмунини ташкил этувчи асосий элементлардан ташқари сарлавҳани фаоллаштирадиган унинг иккинчи

аражали элементлари ҳам мавжуд, бундай элементларга тезислар амуналари, умумий кўриниш (ҳолат) ва хабардан кўзда тутилган мақсадлар иради.

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, матннинг ҳар қандай тури ҳам угалланган фикр ифодасини беради. Бу матннинг ҳарактерли белгиларидан иридир. Унинг иккинчи белгиси компонентларининг мазмунан оғланишли эканлиги ҳисобланади. Зотан, матн горизонтал чизиқда синтагматик қатор доирасида) шаклланади ва бу жиҳатдан коммуникатив хлитликни ташкил этади. Шундай бўлгач, боғланишлилик куйидаги икки ўринишда вокеланади: 1. Матнда берилаётган икки ва ундан ортик одисалар ўртасидаги боғлиқлик. 2. Ҳодисаларнинг ўзаро коришуви атижасида шаклланган маъно бутунлигида акс этувчи боғлиқлик.

Матн, албатта, нуткимиз махсулоти саналади. Шунинг учун боғланишли нутқ» тушунчаси тўғридан-тўғри матн билан алоқадордир. Матнда боғланишлилик унинг компонентлари муносабатида, биринчи галда ларнинг семантик муносабатида ўз аксини топади. Семантик муносабат, ўз авбатида, икки турли бўлади:

1. Радиал муносабат. Бунда матн компонентлари ўзаро тўғридан-тўғри боғланмай матнда ифодаланаётган умумий маъно сатҳида муносабатга киришади.

2. Тўғридан-тўғри ёки бевосита муносабат. Бунда матннинг таркибий қисмлари бир-бирига боғлиқ бўлади ва бирининг маъноси иккинчисининг таъсирида ойдинлашади.

Айтиш лозимки, матн компонентларининг ўзаро боғланишига ҳос бўлган семантик муносабатнинг ҳар икки тури ҳам муҳим аҳамият касб этади, зотан, ҳар бир матннинг асосий вазифаси маълум хабар ифодасини беришдан иборатдир. Бу эса семантик яхлитликни талаб қилади. Матннинг бундай сифати муқаррар равишда ёзма нутқда кузатилади. Оғзаки нутқда эса унинг семантик бутунлиги ҳар доим ҳам воқе бўлавермайди. Чунки,

ғзаки нутқда узук-юлук жумлалар ҳам кўп ишлатилади. Бундан ташқари, маъно яхлитлигига тингловчининг репликаси ҳам сезиларли даражада албий таъсир кўрсатади.

Матн компонентларининг маъно жиҳатдан боғланишли бўлиши таваққуф матннинг маъно бутунлигини, балки унинг таркибий қисмлари саналувчи мустақил гапларнинг ҳам мазмуний салмоғи беками-кўстлигини таъминлайди. Тўғри, матндан ташқарида гап грамматик жиҳатдан мутлақо камчиликсиз бўлиши мумкин. Лекин унинг маъно бутунлиги фақат матн сатҳида бошқа гаплар билан ўзаро муносабатда келганда тўлиқ ифодасини топа олади. Бу матн таркибида қўлланилган барча гапларга хосдир, фақат матннинг бошланишида келган гап ўзининг нисбий мустақиллиги билан шу матн таркибига кирган бошқа гаплардан фарқ қилади.

Матн таркибида гапларнинг ўзаро семантик муносабатлари хусусида сўз юритилганда, биринчи галда таваққуришимизда ҳукмлар мажмуаси қандай боғланишини тасаввур этиб кўрмоғимиз лозим, зотан, матн компонентларининг боғланишли эканлигини ўрганиш тил ва таваққур бирлиги диалектик қонуниятидан келиб чиқади. Шунинг учун мустақил гапларнинг ўзаро муносабати замирида шаклланувчи гапдан катта ҳар қандай нутқ бирлиги ўзининг умумий мазмуни салмоғи жиҳатидан таваққур маҳсулининг тил унсурлари воситасида ифодаланишини тақозо этади.

Гапнинг сўзлар муносабатидан ташқил этилишини назарда тутсак, бунда сўзнинг фикр ифодасини воқелантирувчи белги эканлигини далилай оламиз. Бироқ нутқимиз қолипида рўй берувчи психологик мулоқотда сўз эмас, балки гап асосий белги саналади. Бу нутқимиз сатҳида гапнинг ўзига хос макомини, унинг бошқа birlikлардан (масалан, сўз, сўз бирикмаси ва ш.к) фарқини аниқ ва равшан намоён этади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, мантиқ (логика) нутқда ҳукмлар муносабати масаласи билан шуғулланмайди. Бу нарса синтактик жиҳатдан

муҳим аҳамиятга эгадир. Мантикда ҳар бир ҳукм алоҳида ўрганилади, синтаксисда эса ҳукмнинг ҳукм билан муносабатини ўрганиш глобал аҳамият касб этади. Бундан ташқари, мантикда ҳукмнинг ифодаланиши усуллари катта мавжега эгадир. Аммо бунда ҳам ҳар бир ҳукм ҳам алоҳида талқин этилади. Боғланишли нутқ синтаксисиди эса икки ёки ундан ортик ҳукмлар муносабати, уларнинг бир-бири билан боғланиши масаласи устувор аҳамиятга эгадир.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар тил билан мантикнинг ўзаро узвий боғлиқлигини кўрсатади. Аммо бу билан мантиқ ва тил категориялари қоришиб кетади, демокчи эмасмиз, албатта. Чунки мантикнинг ҳам, тилнинг ҳам фақат ўзига хос бўлган қонуниятлари мавжуд. Шунинг учун синтактик категорияларни мантиқ категориялари нусхаси сифатида талқин этиб бўлмайди. Ана шу боис ҳукм тушунчасини бу ўринда шартли деб билмоғимиз лозим.

Мантикда ҳукм деганда, грамматик гап орқали ифодаланган ниманидир тасдиқловчи ёки инкор этувчи фикрни тушунамиз. Агар муайян фикр ифодасини берувчи ҳукмни алоҳида олиб ўргансак, унда субъект ва предикат мавжудлиги фикрнинг туғалланган ва мукаммал эканлигини кўрсата олмайди. Ҳар қандай ҳукм ҳам нутқда реал қўлланилгандагина мукаммаллик касб этади. Ҳатто нутқдан ташқарида олинган ҳукмда субъект билан предикатни аниқлаш ҳам кийин кечади. Масалан, Акам хонага кирди. тарзида шаклланган ҳукмни олиб кўрайлик. Бунда қайси бир сўз предикат ёки қайси бир сўз субъект эканлигини рўйрост айтиб бўлмайди. Агар келтирилган ҳукм нутқда шаклланаётган бўлса, фақат шундагина, хонага кимнинг кирганлиги диққат марказида турса, Акам сўзини кескин равишда предикат сифатида белгилай оламиз. Борди-ю, нутқ мухити учун Акам нима қилди? Сўроғи аҳамиятли бўлса, у ҳолда “хонага кирди” мантикий предикат бўлади. Шу боис проф. П.С. Попов “ҳукмнинг мазмунини, унинг субъект ва

едикатини белгилашда контекст асосий восита эканлигини алоҳида ўқидилади" [10: 38 – 39].

Фикрнинг мукамаллигини таъминлаш ёлғиз бир ҳукм орқали амалга келмайди. Проф. П. С. Попов бу ҳақида қуйидагиларни айтади. "Биз ҳеч қачон ёлғиз бир ҳукм воситасида фикрлай олмаймиз. Фикрлаш қараёнида ҳукмларни бир-бири билан боғлаймиз, уларни қиёслаймиз ва шундан иккинчисини фарқлаймиз" [10: 68 – 69].

Дарҳақиқат, ҳукмнинг аниқ ва мукамаллиги фақат нутқда таъминланади. Бунинг учун эса бир неча ҳукм ўзаро муносабатда олиниб қаролиб этилади. Шунинг учун анъанавий мантиқда муайян бир ҳукмни нутқдан ташқари ҳолатда олиб таҳлил қилиниши бугунги кун талабларига жавоб беролмай қолди. Бу ҳақида проф. П. С. Поповнинг қуйидаги фикри характерлидир: "Анъанавий мантикий субъект ва предикат тушунчаларини ажратиб олишнинг мумкин бўлмаганлиги ҳақида шундай фикрларни ҳозирги лингвистик таҳлилнинг мавжуд бўлиши пайти келди: улар чанг босиб қолган"[10: 38 – 39].

Бугунги кунда анъанавий грамматикаларимизда берилган синтактик қурилмалар таҳлилидан ўзгача таҳлил материалларига эҳтиёж туғилганлиги аниқ сезилиб келиб келди. Семантик ва синтактик таҳлиллар доираси анча кенгайди. Бошқача айтилганда, матн лингвистикаси масаласи кун тартибига асосли равишда келди. Бунинг асосий далили сифатида ҳозирги лингвистик таҳлилларида ўзаро боғланишли бўлган бир неча синтактик қурилмаларнинг яхлит бир бўлаги сифатида талқин этилаётганини кўрсатиш мумкин.

Нутқда ўзаро боғлиқ бўлган гапларнинг семантик ва синтактик муаммоларини ўрганишда мазкур гапларни алоҳида олмай, ҳар бирини бошқалари билан боғлиқ ҳолда талқин этилгандагина уларнинг маъно тугаллиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Бундай вазиятда мазкур гапларнинг алоҳида фақат маъно тугаллиги, балки синтактик хусусиятларининг ҳам анча мукамал изоҳланиши учун имконият яратилади. Масалан, маълум бир нутқ парчасида намоён бўлган ҳусусида фикр билдираётган бўлса,

ойишчилар () сўзи бундай маън учун субъект вазифасини ўтайди, ан, мазкур сўз бир ўринда гапда ўзининг аслий шаклида, бошқа гапларда олмош билан (масалан, у, унинг ўзи), ўзига бир синонимик сўз билан (масалан, у кишилар, халк)

одаланади ва ҳар сафар гапда бу тушунчанинг мавжудлигини ҳис этамиз.

Матн компонентлари таркибида бирор сўз ёки бирикманинг бу тахлит таъинланиши нафақат семантик, балки синтактик вазифа ҳам бажаради. Чунки мазкур сўз олдинги гапда грамматик эга вазифасида келса, кейинги гапларда тўлдирувчи, аниқловчи бўлиб қўлланилиши ҳам мумкин.

Бироқ, шунини ҳам айтиш лозимки, матннинг синтактик таҳлили фақат гаплар синтактик таҳлилидан тубдан фаркланади. Матннинг синтактик таҳлилида бош ва иккинчи даражали бўлақлар, шунингдек, сўз бирикмалари таҳлилида қўлланиладиган мослашув, бошқарув ва битишув шакллари хусусида сўз юритиб бўлмайди. Агар гап таҳлилида сўзлар ўртасидаги синтактик алоқа ва унинг турлари ўрганилса, матн таҳлилида фақат гаплар ўртасидаги синтактик боғланиш ҳақида маълумот талаб қилинади. Фақат бугина эмас, макроматн ўрганилганда унинг компонентлари ҳисобланувчи абзацлар ўртасида шаклланган синтактик боғланишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Матннинг мазмун яхлитлиги унинг мавзуси билан биргаликда намоён бўлади. Тема дейилганда матннинг мужассамлашган ва умумлашган мазмунини тушунилади. Яхлит асар темаси билан боб, параграф ва мураккаб синтактик бутунликларда ўз аксини топган қисмларнинг темалари ўртасида алоқа билвосита алоқа мавжуд бўлади. Бутун бир нуткий асар темаси ҳеч қандай хусусий темаларнинг шунчаки арифметик йиғиндисидан эмас. Бу айниқса адабий адабиётда яққол намоён бўлади. Маълумки, “бадий адабиётнинг мазмуний ғояси ёзувчи томонидан бевосита баён қилинмасдан, образлар орқали, инсон ҳаётининг конкрет кўринишлари орқали етказилади” [6: 24-

Шундай қилиб, мураккаб синтактик бутунлик монотематикдир. Бир а атрофида уни ташкил қиладиган гапларнинг бирикиши матн маъно итлигининг намоён бўлишидир. Бир темадан иккинчи бир темага ўтиш мураккаб синтактик бутунликнинг бошланишини англатадиган чегара тисидир.

Мураккаб синтактик бутунлик темасининг яхлитлиги кўпинча тема ан боғлиқ таянч сўзларнинг тез-тез такрорланиб туришида кўзга ланади.

Юқоридаги барча ҳолатларда теманинг яхлитлиги мураккаб синтактик унлик ҳажмида тегишли сўзлар референциясининг ўхшашлиги билан минланган, яъни ушбу сўзларнинг реал борлиқдаги айнан бир предмет (референт) билан ўзаро муносабатга киришишида руёбга чиқади.

“Мураккаб синтактик бутунлик темасининг яхлитлиги ва референция шашлиги билан вазият алоқалари ёки қисм ва бутун муносабатига сланган импликация ҳодисаси ҳам боғланган. Ушбу алоқалар туфайли дайдир предмет, қандайдир вазият хақида эслатиб ўтиш сўзловчи (увчи) ва тингловчи (ўқувчи) учун муайян предмет билан боғлиқ бошқа предмет ва вазиятларнинг мавжудлигини такозо этади” [31-132].

Шундай қилиб, биз ушбу бобда матн ва унинг сарлавҳаси ўртасидаги қанинг шаклланиши масаласини кўриб чикдик. Демак, тадқиқотларимиз жжалари шуни кўрсатадики, матнга қўйиладиган сарлавҳалар ўзига хос хусиятлар ва структурал кўринишларга эга бўлади. Юқорида билдирилган р-мулоҳазаларни инобатга олиб, уларни таҳлил қилиб қўйидагича хулосага иш мумкин: инглиз тилида матнга қўйиладиган сарлавҳаларни муникатив нуқтаи назардан қуйидаги ўзига хос хусусиятларни алоҳида атиб кўрсатиш мумкин:

матннинг коммуникатив мақсадни бажаришга қаратилганлиги;

матннинг мантикий-семантик структураларда ифодаланиб

келиши;

матнда ижтимоий-психологик коммуникатив вазифаларнинг аке эттирилиши ва хоказо;

Ҳозирги замон англиз тилида матн ва унинг сарлавхаси ўртасидаги чамбарчас алоқани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бунда қуйидагилар алоҳида аҳамият касб этади:

1. Сарлавҳанинг танланиши;
2. Сарлавҳанинг лексик-семантик ва грамматик таркиби;
3. Сарлавҳанинг китобхон диққат-эътиборини ўзига жалб қилиш

хусусияти ва хоказо.

2.2 Газета сарлавҳасининг ўзига хос хусусиятлари

Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати"да матнга қуйидагича изоҳ, олинган: матн (текст) лотинча *textus* сўзидан олинган бўлиб, боғланиш, шилиш деган маънони билдиради. Маълумки, матн маълум тил ифодаларига бўйсунди, у ана шу қоидалар асосида юзага келадиган, у ёки бу шаклда, ахборотни ифодалайдиган гаплар йиғиндисидан иборатдир. Матн боғланиш тушунчасига асосланади, шунинг учун ҳам унда икки ва ундан кўра таркибий қисмларнинг ўзаро боғланиши ўз ифодасини топади.

Одатда матн ўз тузилишига, ҳажмига, мазмунининг тўлиқлигига кўра ифодагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Маълум тугалланган фикрни англатиб, бир ёки бир неча гаплардан тузилган ифода;
2. Газета ёки журнал мақоласи;
3. Қисса, ҳикоя, эртак, достон;
4. Илмий монография;
5. Роман;
6. Турли хил ҳужжатлар ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, матнни структура ва мазмун жиҳатдан ифодага бўлинишини таъкидлаш мумкин:

- а) кичик матн (микроматн);
- б) катта матн (макроматн).

Кичик матн бир-бири билан маъно жиҳатдан боғланган, бири-биринчисига мазмунан уланиб кетадиган жумлалардан ташкил топади. Катта матнлар тилшуносликда "мураккаб синтактик бутунлик", "синтактик комплекс" каби атамалар орқали қайд қилинади. Рус тилида қуйидаги мисолни кўриб чиқайлик:

"Физика есть наука. Многие интересуются физикой".

Таржимаси:

Physiks is a subject. Most interested in physiks.

Ушбу мисолда тизма боғланишли мураккаб синтактик бутунлик ўз-асосини топган. Мазкур матнни юзага келтиручи лексик-грамматик биталарни таҳлил қилиб, қуйидаги фикр - мулоҳазаларини келтириш мумкин: "Тизма боғланишли алоқага асосланган мураккаб синтактик бутунлик биринчи гапнинг эгасини кесим функциясида, кесимнинг эса эгасини кесим функциясида келиши билан характерланади". Бироқ, тизма алоқаларга асосланган мураккаб синтактик бутунлик компонентлари орасидаги алоқаларни кенгрок; маъно характерига ҳам эга бўлиши мумкин.

Ушбу ҳолатда матнни ташкил этишда грамматик воситаларни ўрнидан сатиб берилган. Бу нарса параллел боғланиши мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий хусусиятини белгилловчи асосий омил сифатида кўрсатиб берилади. Бу ерда "субъект+ субъект", "предикат- предикат" грамматик биталари амалга ошади. Мазкур структуравий кўринишни бошқачарок кўриб изохлаш ҳам мумкин: Биринчи гапда эга ва кесим функциясида келган компонентлар, ана шу гапга боғланиб кетаётган иккинчи гапда эгасини худди шундай функцияда келиши шарт. Ана шундай вазиятда мураккаб синтактик бутунликнинг ҳар бир структуравий гуруҳига хос бўлган хусусиятлар сакланиб қолади.

Инглиз ёзма адабий тили намуналарини ўрганиш ва таҳлил қилиш ишларида шу нарсани таъкидлаш мумкинки, инглиз тили турли мураккаб синтактик конструкцияларга бой. Бундай мураккаб синтактик конструкцияларнинг қилишида асосан гапнинг синтактик тузилишини мураккаблаштириш билан боғлиқ. Бу ҳолатда иштирок этувчи компонентлар ўрганилиши кўзда тутилади. Ана шундай компонентлар функциясида бош ва иккинчи бўлақлар, гап турлари, инфинитив ва инфинитив оборотлари келиши мумкин. Синтактик конструкцияларни мураккаблаштиришда иштирок этувчи компонентларга асосан тилшуносликда "ажратилган гап бўлақлари" атамаси қўлланади. Бу ҳақда тилшунослик мактабининг асосчиси В. Матезиус бу нарсани "гапни асосий бўлақларига ажратиш" деб айтади. Тилшунос олим В. Матезиус

нидан ривожлантирилган "гапни актуал бўлакларига ажратиш" концепциясини рус, роман-герман тилшунослигида долзарб муаммолардан сифтида ўрганиб келинмоқда. Мазкур концепциясини ўрганишга, уни амалга оширишга, янги-янги фикр-мулоҳазалар билан бойитишга йирик тилшунос олимлар В.Г. Адмони, В. Матезиус, О.И. Москальская, Л.Р. Бабайев, Г.Н. Эйхбаум ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Машҳур тилшунос олим М.Е. Шафиро мазкур концепцияни гапдан гапга ўтказиб бундан кўра йирикрок бўлган синтактик бирликларга нисбатан ҳам қўллайди. У рус тили синтаксисига бағишланган илмий – тадқиқот ишларида "гапни актуал бўлакларга ажратиш" концепциясини янада такомиллаштирди, уни йирикрок синтактик бирликларга нисбатан қўллаш мумкинлигини илмий жиҳатдан исбатлаб берди. Унинг илмий хулосаси мазмуни гапнинг актуал бўлақнинг компонентлари тема ва "рема"нинг содда гаплар таркибида бажариб кўрсатилган функцияларни илова алоқаларига асосланган мураккаб синтактик бирликнинг компонентлари бажариб кўрсатилган функцияларга бағишланган таҳлилдан иборат бўлди. Гапдан йирикрок бўлган илова алоқага асосланган мураккаб синтактик бутунлик (матн)ни ифода этадиган куйидаги ҳолатда юқоридаги фикрларни исботлаш мумкин.

“Хоналарнинг бирида сеvimли фарзанд, Хайнрих ётарди”

Ушбу матнда бир-бирига грамматик жиҳатдан боғланган компонентлар, асосий ифода, яъни матннинг асоси- “ Хоналарнинг бирида сеvimли фарзанд ётарди ” – тема; иловали элемент (қўшимча маъно берувчи грамматик компонент)- Хайнрих рема ўз ифодасини топган. Энди кўрсатилган йирик тилшунос олим М.Е. Шафиро томонидан билдирилган илмий ҳолатларга таянган ҳолда таҳлил қилиб кўрайлик: матннинг асосини ташкил этувчи биринчи гап “ Хоналарнинг бирида сеvimли фарзанд ётарди” га бағишланган бўлиб, бу гапнинг асосини “Хоналарнинг бирида” илова алоқаларига асосланган мураккаб синтактик бутунликнинг мазмуний ва синтактик бирлигини намоён қилади. "Тема"нинг (Хоналарнинг бирида

имли фарзанд ётарди) мазмуни ундан кейин келадиган рема (Гейнрих)нинг мазмуни билан тўлдирилади, конкретлаштирилади.

Матилар устида олиб борилган илмий изланишларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари: аниқловчи, тўлдирувчи, хол ҳам ажратилган гап бўлаклари воситида қўлланиши мумкин. Улар матн доирасида турли лексик-грамматик воситалар ёрдамида боғланиб келади. Ажратилган гап бўлақларини бошқа бўлақлардан фарқ қилдирувчи хусусиятлар мавжуд бўлиб, уларнинг ифодагилардан иборат: улар синтактик табиатига кўра ўзига хос оҳангга, ритмикага эга, тўхтамга, мантикий урғуга эга бўлиб, маълум бўлақлардан тегишли тиниш белгилари ёрдамида ажратилади. Бундай воситалар – вергул, нуқтали вергул, тире, икки нуқта ҳисобланади. Ажратилган гап бўлақлари худди маълум бўлақлардек эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, хол шаклида ифодаланиб, уларга нисбатан синтактик, семантик, стилистик ва коммуникатив функцияларни бажариб келади.

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган мисолларнинг таҳлилларида эътибор қаратадиган бўлсак, уларни ҳосил қилишда турли лексик-грамматик воситаларнинг ўз ўрни бор ва улар матн мазмунини боғланишда, уларнинг структуравий шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, матн лингвистикасига бағишланган ишларнинг аксариятида рус тилининг эътибор матн компонентларининг семантик алоқасига қаратилади. Уларнинг боғланишли нутқ маъноси эканлиги ҳам ана шу асосда талқин қилинади. Бироқ матннинг синтактик табиати ҳақида жуда кам маълумот берилган. Бизнингча, матн компонентларининг синтактик жihatдан ҳам боғланишли эканлигини мукамал талқин этиш учун вақт келди, зотан, матннинг синтактик жihatдан эмас, балки синтактик жihatдан ҳам яхлитликни таъминлаш зарур. Бошқача айтганда, матн компонентлари қандай йўсинда боғланиб келсин синтактик жihatдан ҳам ўзаро боғланган бўлади.

Матн компонентларининг ўзаро синтактик боғланиши, асосан, шундай воситалар орқали бўй беради: 1. Лексик такрор. 2. Синонимик воситалар. 3. Олмошлар. 4. Кириш сўз ва бирикмалар. 5. Боғловчилар.

Матн компонентларининг синтактик муносабати синонимик сўзлар воситасида воқеланиши муҳим аҳамият касб этади. Бунда бир компонентнинг сатҳида келаётган маълум бир сўзнинг иккинчи, учинчи ва х. к. компонентларда синонимлари ёки синонимик маъноли унсурлар катнашади ва улар орқали матн компонентларининг синтактик муносабатлари шаклланади.

Айни пайтда матн компонентларининг сони (гапларнинг) тўртта бўлиб, синонимик маъноли сўзлар уларнинг барчасида катнашмоқда ва компонентлар синтактик алоқасини таъминламоқда. Биринчи ва иккинчи гапларнинг синтактик муносабати аниқловчи вазифасида келаётган сўзлар орқали, учинчи ва тўртинчи гапларда биринчиси эга, иккинчиси эса тўлдирувчи вазифаларида келаётган сўзлар воситасида шаклланмоқда. Шундан ташқари, иккинчи гап учинчи гап билан лексик такрор орқали тўртинчи гап билан эса воситасиз ва воситали тўлдирувчи вазифаларида келаётган синонимик унсурлар ёрдамида муносабат боғламоқда. Ва ниҳоят, биринчи, тўртинчи гапларда катнашаётган сўзлар мазкур гаплар ўртасида аниқловчи - тўлдирувчи вазифаларида синтактик алоқа ўрнатиш учун хизмат қилмоқда.

Матннинг таркибий қисмлари ўртасида синтактик алоқа шаклланиши учун олмошларнинг ҳам аҳамияти жуда каттадир. Бунда олмошнинг от, сифат, сон, равиш каби мустақил сўзлар ўрнида қўлланила олиши муҳим мавқега эга бўлади. Шунинг учун биз уларни маълум восита сифатида баҳолашда алдин эгамиз.

Олмошлар проф. А.Н. Гвоздев таъкидлаганидек, сон жиҳатдан унча бўлмасам ҳам, нутқда ниҳоятда катта мавқега эгадир. Улар ўзларининг қўлланиш даражасига кўра бошқа сўз туркумларига қараганда устувор

амият касб этади. Немис олими Харвег эса олмошларни нутқнинг боғловчилари тарзида талкин этади. Бундай фикрни рус олими Т. И. Щербининда ҳам учратамиз:

Берилган матн тўрт компонентли бўлиб, биринчи ва иккинчи гаплар ҳақиқатча жамловчи олмоши воситасида, иккинчи ва учинчи гаплар имплицит шаклда ифодали улар, учинчи ва тўртинчи гаплар эса уларга олмошлари билан синтактик алоқада эканлигини кўрамаймиз. Мазкур олмошларнинг барчаси олмошларнинг ўрин алмаштирувчилари сифатида келиб барча - эга, яширин шаклда келган улар ҳам эга, уларга олмош эса воситали тўлдирувчи функцияларини бажармоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкиддаш лозимки, матн таркибида қўлланилган олмош фақат синтактик вазифа эмас, балки семантик вазифа ҳам бажаради. Берилган матнда гапларнинг мазмуний боғланиши ҳам аниқ ва биринчи шаклда имплицит (ноаниқ яширин) шаклда ифодали олмошлар зиммасига келганлигини кўрамаймиз. Шунинг учун олмошлар матн мазмуний яхлитлигини таъминловчи асосий морфологик воситалардан ҳисобланади.

Матн компонентларининг синтактик алоқаси кириш сўз воситасида таъкидланиши ҳам мумкин. Бунда кириш сўз ўз вазифасига кўра боғловчига таъкидланади. Хусусан, кириш сўз вазифасида келган модал сўзларда бундай таъкид анча салмоқлидир. Рус тилшунослигида XIX асрнинг бошларида модал сўзларнинг боғловчи тоифасига киритилганлиги ҳам бежиз эмас, таъкидланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, кириш сўзларни ҳозиргача гапнинг бошқа синтактик алоқаси билан грамматик алоқаси йўқ морфологик воситалар тарзида таъкидланиб келмоқда.

Бирок, кириш сўзларнинг баъзи синтактик хусусиятлари ҳақида таъкидланиб келган йилларда айрим мулоҳазалар ҳам билдирилмоқда. Бунга Г.Я. Щербинининг томонидан айтилган қуйидаги фикр далил бўлиши мумкин:

"Сўзловчининг ўз нуткига муносабатини билдирувчи, хабарга муносабат билдирувчи кириш сўзлар грамматик муносабатни ҳам боғдояди". Бундай грамматик муносабат матн таркибида гаплараро боғланади. Шунинг учун Г.Я. Солганик кириш сўзларни ўзига хос боғловчи деб талкин этади. Бу ўз навбатида, кириш сўзларининг матн синтактикасида муҳим аҳамият борлигини кўрсатади.

Матн сатҳида синтактик вазифа бажараётган кириш сўзлар ўзаро синтактик муносабатга киришувчи гапларнинг олд қисмида (боғланишида келлади):

Келтирилган биринчи матнда тўғриси сўзи, иккинчи матнда таъминловчи сўзи, учунчи матнда эса иккинчидан сўзи ўзлари катнашаётган гапларни олдинги гаплар билан боғлаш учун хизмат қилмоқда.

Матн шаклланишида боғловчилар ҳам муҳим вазифа бажаради. Бунда боғловчиларни вазифаларига кўра иккига бўлишга туғри келади:

1. Мустақил гапларнинг ўзаро муносабатини таъминловчи боғловчилар.
2. Абзацлар муносабатини таъминловчи боғловчилар.

Матн таркибидаги мустақил гапларнинг синтактик муносабатини таъминловчи боғловчилар микромайдонда ҳам, макромайдонда ҳам кўрилган бўлиши мумкин.

Келтирилган мисолларнинг барчасида ҳам матн компонентлари боғловчилар муносабатиде синтактик муносабатга киришмоқда. Биринчи икки мисол тенг компонентли мураккаб синтактик қурилма қолипида келиб, уларнинг биринчисида ва иккинчисида эса гох тенг боғловчилари катнашмоқда.

Учинчи ва тўртинчи мисолларда эса мустақил гапларнинг нуқтадан кейин келадиган боғловчилар ёрдамида синтактик муносабатга киришадиганини кўрамиз.

Боғловчи макроматн таркибида келганда кўпроқ абзацларнинг семантик ва бир пайтнинг ўзида синтактик алоқаларни таъминлаш учун хизмат қилади:

Берилган мисолларнинг ҳар иккиси ҳам макроматннинг муайян парчалари саналади. Биринчи мисолда макроматннинг икки абзаци бироқ зидлов боғловчиси орқали синтактик ва семантик муносабатга киришаётганини кўрамиз. Айни пайтда икки абзацнинг синтактик алоқаси учун қоя, нариги томони сўз ва сўз бирикмалари ҳам хизмат қилмоқда. Бу ўринда абзацлараро лексик такрор қўлланилаётганини кўрамиз. Мазкур воситалар, ўз навбатида, абзацлар ўртасида синтактик муносабатнинг янада мукамалроқ тус олишига кўмаклашмоқда.

Иккинчи мисолда абзацлараро синтактик муносабат лекин зидлов боғловчиси воситасида шаклангани кўзга ташланади. Бу ўринда ҳам синтактик алоқанинг узвий эканлигини қайд этамиз. Чунки айни пайтда икки абзац синтактик муносабати учун иккинчи абзац бошида келаётган боғловчидан ташқари, бу кўрсатиш олмоши ҳамда биринчи абзацда маъно салмоғини умумлаштириб кўрсатаётган таклифлар сўзининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, айни пайтда биз бироқ ва лекин боғловчиларига тўхталдик. Аммо фақат зидлов боғловчилари эмас, балки боғловчининг ҳар қандай тури ҳам абзацлараро синтактик муносабатни шаклантира олади. Бундан ташқари, абзацлараро синтактик муносабат олмош, кириш сўз ва бирикмалар ва бошқа шу каби воситалар ёрдамида ҳам шаклланиши мумкин. Масалан:

Moderates ousted in union elections;

Nuclear pact runs into trouble;

Big response to plea for flood victims;

Move to bring back death penalty.

Келтирилган мисолларнинг биринчисида матннинг олдинги абзацда йтилган сўз бирикмаси билан иккинчи абзацдаги унинг синонимик ифодаси н йилликлар бирикмаси бу кўрсатиш олмоши ва боғловчи воситасида семантик боғланиш ташкил этмоқда ва бу орқали икки абзац ўртасида синтактик алоқа шаклланган.

Иккинчи мисолда эса макроматн компонентлари - абзацлар албатта кириш сўзи ёрдамида синтактик муносабатга киришмоқда. Бунда кириш сўз олдинги матннинг охириги гапи кесими билан боғланмоқда.

Матн компонентлари таснифи масаласи ҳам анча мураккабдир, зотан, мустақил сўздан бошлаб, гап, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац, боб кабиларнинг барчаси матн компонентлари жумласига киради. Қуйида ана шулардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Матн бир сўз билан ёки сўз бирикмаси билан ифодаланганда унинг компонент вазифасида мустақил сўз келади. Масалан, “Бизнинг ишлоғимиз” сўз бирикмаси билан ифодаланган матнни икки компонентли деб атаймиз.

Матн компоненти сўз бирикмаси тарзида келиши ҳам мумкин. Лекин сўз бирикмасини бирор жиддий зарурат туғилгандагина матн компоненти тарзида ўрганиш мумкин. Бундай вазиятга матн мустақил гап билан ифодаланганда эҳтиёж туғилиши мумкин. Масалан, йўл харакати қоидаларига риоя қилинг (харакат қоидалари) олиб кўрайлик. Мазкур гап матн мақомида келганда, уни тўрт компонентли деб ўрганамиз. Чунки ҳар қандай гапнинг ҳам қурилиш материали сўз ҳисобланади. Сўз бирикмаси эса бундай вазифани бажара олмайди. Бошқача айтганда, сўз бирикмаси гапнинг қурилиш материали бўла олмайди, зотан, унинг ўзи гап доирасида шаклланади, гап шаклланмагунча сўз бирикмаси ҳам туғилмайди. Шунинг учун гап қолипида ифодаланган матннинг асосий компонентлари сўзлар ҳисобланади. Бироқ матн таркибида нечта сўз бирикмаси мавжудлигини аниқлаш лозим бўлиб қолган тақдирда, сўз бирикмасини матн компонент

тарзида шартли равишда ўрганиш мумкии. Масалан, юқорида келтирилган матнда ҳаракат қоидалари, риоя қилмоқ, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмоқ каби учта сўз бирикмаси мавжудлигини кўрамиз.

Одатда катта матнлар бир нечта гапдан ташкил топган бўлади. Шунинг учун гап матннинг асосий компонент саналади: *Хамма жой ёруғ. Ёуёш кучани тўлдириб келаётган кишиларга кулиб боқди.*

Берилган матн икки компонентли бўлиб, бу компонентлар кетма-кет қилинмоқда. Агар мазкур матн компонентларининг ички қўрилишини таҳлил қилиш лозим бўлса, ҳар бир гапни алоҳида ўрганамиз ва уларнинг нечта сўздан ташкил топаётганлигига эътибор берамиз: матннинг биринчи компонент тўрт сўзнинг, иккинчиси эса саккиз сўзнинг ўзаро муносабатидан ташкил топмоқда.

Айтиш лозимки, матн таркибига кирган барча гаплар бир-бири билан маъно жиҳатидан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам боғланган бўлади. Аммо бу боғланишни гап таркибидаги сўзлар боғланиши билан тенглаштирмалик лозим. Чунки гап компонентларининг бири бош бўлак, бошқалари эса иккинчи даражали бўлак тарзида синтактик вазифа бажаради. Матн компонентларининг ўзаро боғланиши эса, биринчи навбатда гапларнинг маъноларига асосланади. Шунинг учун ҳам бунда «боғланишли нутқ» тушунчасидан фойдаланамиз.

Рус тилшуноси Г.А. Золотова одатдаги синтактик таҳлил принциплари матн таҳлили учун яроқсиз эканлиги ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «Матн синтаксиси нуқтаи назаридан гап бўлақларига асосланувчи формал-анъанавий усул ҳақиқатан ҳам яроқсиз кўринади. Бу усул матн структурасини ўрганиш масаласини салбий ҳал қилишга олиб келади. Бу йўналишда матн компонентларининг структур-мазмуний таҳлили истикболлидир».

Юқорида қисман эслатиб ўтилган сингари, матн компонентлари ўзаро боғланишли бўлгач, уларни эҳтиёж туғилса яхлитлигича ёки алоҳида

тариб ўрганиш мумкин. Бу хақида Г.Я. Солганик куйидаги мулоҳазаларни
 диради: «Ҳар қандай боғланишли нутқни бир-бири билан боғлиқ бўлган
 тақил гапларга ажратиш мумкин». Бизнингча ҳам, матнни ташкил
 ётган компонентлар маъноларига кўра синтагмагик каторда маълум
 тартибда жойлашади. Аммо мазкур масала бобида А. М. Пешковский
 батан бошқачарок мулоҳаза билдирганини кўрамиз: «...нутқ алоҳида гап
 мураккаб синтактик қурилмаларнинг тартибсиз алмашилиги
 ланилишини тақозо этади».

Фикримизча, А. М. Пешковскийнинг мазкур мулоҳазалари бирмунча
 ҳталабдир, зотан, нутқ боғланишли компонентлар мажмуасини тақозо
 ди. Шундай бўлгач, унинг таркибий қисмларини тартибсиз алмашинади
 иш мақсадга номувофикдир.

Матн мақомида нафақат мустақил гаплар мажмуаси, балки гапдан
 та бирликлар ҳам келади. Улар жумласига биз анъанавий тилшуносликда
 шма гап номи билан аталган синтактик қурилмаларни киритамиз. Айтиш
 имки, «қўшма гап» тушунчаси орқали биз тил унсурларининг поғонали
 носабатига катта путур етказган бўламиз. Тил унсурларининг поғонали
 тархик) муносабати кичик тил бирликларининг катта бирлик сатҳда
 ланилишини тақозо этади. Масалан, фонема морфема ёки сўз сатҳида,
 рфема сўз сатҳида, сўз гап сатҳида ва х.к. синтактик фаоллик олади. Бирор
 рлик йўқки, у ўз категориясига тегишли бирлик доирасида синтактик
 олликка эриша олса. Шундай бўлгач, гап ҳам гап сатҳида синтактик
 оллик ололмайди. Унинг фаоллик олиши учун ўзидан катта бирликка
 урат туғилади. Шунинг учун «қўшма гап» термини, бизнингча, талабга
 воб бера олмайди. У бир неча гапни битта гап деб атагани учун ҳам турли
 глашилмовчиликларга сабаб бўлмокда.

Икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро бирикувидан матн
 жудга келиши шубҳасиздир. Шунинг учун «қўшма гап» термини ўрнига

«Мураккаб синтактик қурилма» терминидан фойдаланиш ҳар томонлама ҳақсиз мувофиқдир.

Мураккаб синтактик қурилма компонентлари ўзаро икки хил бўлиб ажратиланади. Уларнинг бирини тенг боғланиш деб, иккинчисини эса эргаш боғланиш деб номлаймиз. Шунга биноан мураккаб синтактик қурилмаларни тенг ва эргаш боғлаб фарқлаб ўрганамиз.

Келтирилган мисолларнинг биринчисида компонентлари тенг боғланишли, иккинчисида эса компонентлари муносабатлари эргаш боғланишга асосланган мураккаб синтактик қурилмаларни кўради.

Матн компонентлари вазифасида абзац ҳам келади. Абзац, албатта, том маънода матн саналади. Бироқ у катта матн таркибида унинг компонентларидан ажратилмаётгани билан саналади. Н.А. Левковская бу ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: «Абзац - бу матннинг субъектив бўлиниши бўлиб, у муаллифнинг прагматик маъносини билан узвий боғлиқдир». Бу ҳақида айтилган Е.А. Реферовскаянинг фикри ҳам ҳақсиз мувофиқдир: «Абзац ҳар доим ҳам фикр тугаллигини ифодалайвермайди, чунки кўп пайтларда фикр тугаллиги бир абзац сатҳида берилмади». Бу жиҳатдан уни стилистик воқеалик тарзида ажратиб олиш мумкин:

Абзац матн таркибида, хусусан, семантик жиҳатдан муҳим маънога эга бўлиши мумкин. Буни матнда ифодаланаётган умумий хабарнинг қисмларга бўлиб ажратилишида янада аниқроқ кўриш мумкин. Чунки ҳар бир абзац матннинг маъносини бир мазмуний парчасини такозо этади:

Кўринадикки, мисол сифатида берилган ҳар икки матн ҳам маъноларига асосан бир-бири билан боғланмоқда. Катта матн таркибида қўлланилар экан, абзац матннинг умумий маъноси билан қандайдир йўсинда боғланган бўлади. Бундай боғланиш, юқорида стилистик усул тарзида кўриб ўтганимиз каби, икки матн ўртасида қўлатилмаслиги ҳам мумкин. Лекин катта матнда ифодаланган умумий маънонинг қандайдир парчаси билан ҳар бир абзац алоқадор бўлади.

Катта матн таркибида келувчи компонентлар ўз грамматик категорияларига кўра бир хил бўлмайди, албатта. Уларнинг бири сўз, иккинчиси сўз бирикмаси, учинчиси гап, тўртинчиси мураккаб синтактик қурилма, бешинчиси абзац ва хоказо категорияларда бўлиши мумкин. Аммо ана шу категориялардаги ҳар бир компонент синтактик ва семантик фаоллашуви жиҳатидан поғонали муносабатни тақозо этади. Қуйида ана шу масала тавсифига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Матн бир сўз билан ифодаланган бўлса, унда тил бирикмаларининг поғонали муносабатини фонема, морфема ва сўзлар мисолида кузатамиз. Масалан, *албатта* сўзи билан ифодаланган матн компонентларининг поғонали муносабатига эътибор берайлик. Бунда фонема ишлатилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзларига тегишли морфема таркибида фаоллашмоқда: *ал-бат-та*

Мазкур морфемалар эса сўзнинг таркибий қисмлари сифатида синтагматик катор сатҳида фаоллашмоқда.

Матн сўз бирикмаси билан ифодаланган бўлганда ҳам поғонали муносабат юқорида эслатиб ўтилган морфемалар мисолида бўлади, зотан, сўз бирикмаси номинатив бирликни тақозо этади. Агар сўз бирикмасини гапнинг сатҳида ўрганадиган бўлсак, поғонали муносабат сўз бирикмаси ва гап категориялари ўртасида вужудга келади: *Бизнинг мактаб боғимиз чиройли* (бизнинг мактабимиз, боғ чиройли) Бирок бундай вазиятда сўз бирикмаси матн мақомида бўлмайди.

Матн гап билан ифодаланган бўлса, поғонали муносабат сўз ва гап доирасида вужудга келади: *Ўзбекистон – келажаги буюк давлат*. Айни пайтда қўлланилаётган ҳар бир сўз гап таркибида синтактик ва семантик фаоллик олмақда.

Матн компонентлари гап ёки мураккаб синтактик қурилмалар билан ифодаланганда, вазият бирмунча мураккаблашади. Бошқача айтганда, гап мураккаб синтактик қурилма ёки матн таркибида синтактик фаоллик олади.

графика синтактик қурилма эса, ўз навбатида, абзац ёхуд катта матн ҳақида синтактик актуаллик олади. Абзацнинг синтактик фаоллиги ҳам, ўз навбатида, ўзидан катта боб ёки матнда таъминланади. Шунинг учун бир боб таркибида ёки бобларга бўлинмаган матн таркибида бир пайтнинг ўзида бир абзац синтактик фаоллик олиши мумкин.

Газета сарлавҳалари газета мақолалари ҳақидаги мақола устида қисқа катта номлардир. Мисол учун, *English woman lands on moon.* Инглиз газеталаридаги сарлавҳалар киши тушуниши учун анчагина қисқартирилган бўлиши мумкин. Бунинг сабабларидан бири шундаки, инглиз тилидаги газета сарлавҳалари оддий инглиз тилидан жуда ҳам фарқли ўлароқ кўп ҳолларда махсус газета сарлавҳаларигагина хос услубда ёзилади. Бу услубда кўп ҳолларда жуда ҳам ғайриоддий тарзларда ишлатилиб, улар учун махсус грамматик қоидалар ҳам мавжуд.

Қуйида биз инглиз газета сарлавҳаларига хос бўлган грамматик қоидалар ҳақида фикр билдириб ўтамиз. Газета услубида кисқа сўзлар кўп ҳолда эгалламаслиги сабабли, газета сарлавҳаларида улардан фойдаланиш қисқартирилган бўлиши мумкин. Сарлавҳаларда ишлатилган баъзи кисқа сўзлар, оддий тилда ғайриоддий маъно касб этади. Мисол учун, сурб – сўзи “рестрицион” маъносини касб этади. Баъзи бир кисқа сўзлар эса оддий тилда кўп ҳолларда ишлатилмаган маъноларда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан: *bid* сўзи “attempt” (ҳаракат) маъносини ифодалаб келиши ҳам мумкин.

Баъзи бир сўзлар эса фақатгина қисқалиги учунгина эмас балки грамматик характерга ега эканлиги, шунингдек кулоқка жарангдор бўлиши сабабли ҳам газета сарлавҳаларида тез-тез кўзга чалиниб туради. Мисол учун, “*blaze*” сўзи оддий тилдаги “*fire*” сўзи ўрнида ишлатилиши мумкин. Қуйидагилар сарлавҳаларда ишлатиладиган махсус сўзлар бўлиб, уларнинг маънони ва таржимаси таҳлилини амалга оширишга ҳаракат қилишимиз:

d: *(to) attempt* – ҳаракат қилмоқ.

NEW EVEREST BID BY JAPANESE WOMEN

back: *to support* – қўллаб-қувватламоқ маъносид.

AMERICA BACKS BRITISH PEACE MOVE

Америка-Британия тинчлик-ҳарактини қўллаб-қувватлайди.)

bar: *ban, prohibite; prohibition*. Таъқиқлаш, чеклов.

NEW BAR ON IMMIGRANTS

Иммигрантларга янги чеклов

blaze: *fire* (ёнғин)

THREE DIE IN HOTEL BLAZE

Меҳмонхона ёнғинида уч киши ҳалок бўлди.

boost: *encourage(ment); (to) increase* (ривожлантириш)

GOVERNMENT PLAN TO BOOST EXPORTS

Ҳукумат экспортни ривожлантириш тараддудида

call for: *(to) demand for, (талаб), (to) appeal for* мурожаат)

MP CALLS FOR CABINET CORRUPTION INQUIRY

Парламент аъзоси вазирлар маҳкамасидан тергов маълумотларини талаб қилмоқда.

clash: *violent disagreement; to disagree violently; (тўқнашув, низо)*

STUDENTS IN CLASH WITH POLICE

Талабалар ва полиция ўртасидаги низо.

curb: *restrict; restriction*

NEW PRICE CURBS PROPOSED

Янги нарх чекловлари таклиф қилинмоқда

drama: *dramatic event, tense situation; (фожеа, кескин вазият)*

PRINCE OF WALES IN HEATHROW KIDNAP DRAMA

Уэльс кироли Ҳизровдаги бола ўғирлаш фожеаси катнашчиси.

drive: *united effort* (биргалликда ҳаракат, ташаббус)

RIVE TO SAVE WATER

вни тежашга ҳаракат

роу: *ambassador* (элчи)

QUEEN SEES FRENCH ENVOY

ролича француз элчиси билан учрашди.

ns: *jewels* (қимматбаҳо буюм)

10,000 GEMS STOLEN

0,000 фунтлик қимматбаҳо буюмлар ўғирланди

ul: *amount stolen in robbery, or seized by police or customs*

ирланган мол ёки қўлга олинган мол (полиция ва божхона томонидан)

BIG GOLD HAUL IN TRAIN ROBBERY

оезд талончилигида ўғирланган кўп миқдордаги олтин буюмлар

ead: *leader, to lead*; (лидер, раҳбар, бошлиқ; раҳбарлик, йўлбошчилик

илмоқ)

COMMONWEALTH HEADS TO MEET IN OTTAWA

Қамдўстлик давлатлари раҳбарлари Оттавада учрашиш тараддудида

PM TO HEAD TRADE MISSION

Парламент аъзоси савдо миссиясида раҳбарлик килиш ниятида

hit: *affect badly* (зарар етказмоқ)

SNOWSTORMS HIT TRANSPORT

Қорбўронлар транспорт ҳаракатига зарар етказди.

hold: *keep under arrest* (ҳибсга олинмоқ)

BRITON HELD IN SOUTH AFRICA

Жанубий Африкада бир британиялик хибсга олинди.

key: *important, vital* (асосий, бош)

KEY WITNESS DISAPPEARS

Асосий гувоҳ ғойиб бўлди.

link: *connection, contact* (алоқа)

NEW TRADE LINK WITH CHINA

Хитой билан янги алоқа.

mission: *delegation (official group sent to conference, to investigate, etc)* SHOTS
FIRED AT UN MISSION

СМТ делегациясига ўқ узилди.

move: *step towards a particular result (often political) –га ҳаракат)*

MOVE TO BRING BACK DEATH PENALTY

Ўлим жазосини қайтаришга ҳаракат.

oust: *drive out, replace (четлаштирилмоқ, ҳайдалмоқ)*

MODERATES OUSTED IN UNION ELECTIONS

Иттифок сайловларида мўътадиллар четлаштирилди.

pact: *agreement (келишув)*

NUCLEAR PACT RUNS INTO TROUBLE

Ядровий келишув ташвишлар туғдирмоқда.

pit: *coal mine (кўмир кони)*

NEW PIT STRIKE THREAT

Янги кўмир конидаги иш ташлаш ҳавфи.

plea: *call for help ()*

BIG RESPONSE TO PLEA FOR FLOOD VICTIMS

Сув тошқини қурбонларига катта ёрдам жавоби.

PM: *Prime Minister (Бош вазир)*

PM RESIGNS

Бош вазир истеъфо бермоқда

poll: *election; public opinion survey (овоз бериш)*

SOCIALISTS AHEAD IN POLL

Социалистлар овоз беришда илғор.

premier: *head of state (давлат бошлиғи)*

PREMIER IN SPY SCANDAL

Давлат раҳбари ҳоинлик можаросида

be: *investigate; investigation* (изланиш, тергов)

ALL FOR STUDENT DRUG PROBE

лабага гиёҳвандлик терговига даъват

POLICE PROBE RACING SCANDAL RUMOURS

ойга можароси миш-мишларига полиция аралашуви

it: *resign* (ишдан бўшатилмақ)

THREE MORE MINISTERS QUIT

на уч вазир ишдан бўшатилади

id: *(to) attack; robbery* (хужум, талончилик)

POLICE RAID DUCHESS'S FLAT

полиция герцогиния хонасига бостириб кирди

500,000 GEM RAID

500 000 фунт стерлингиг қимматбаҳо буюмлар ўғирланди

iddle: *mystery* (сир, сирли, маҳфий)

MISSING ENVOY RIDDLE DRAMA

ўқолган элчи сирли фожиаси

scare: *public alarm; alarming rumour* (шов-шув, таҳлика)

TYPHOID SCARE

Гиф таҳликаси

plit: *disagree (ment)* норозилик

LABOUR SPLIT ON PRICES

Нархларга нисбатан меҳнаткашлар норозилиги

witch: *(to) change* (алмашмоқ, ўзгармоқ) DEFENCE

POLICY SWITCH

Мудофаа сиёсати ўзгармоқда

woop: *(to) raid* (хужум, бостириб бориш)

POLICE SWOOP ON DRUG GANG

Полициянинг гиёҳванд гуруҳга хужуми

hreat: *danger* (хавф, хатар)

IT STRIKE THREAT

Ўмир конида иш ташлаш ҳавфи

р: *exceed*

IMPORTS TOP £250m

Импорт 250 минг фунтдан ошди

ow: *(to) promise (ваъда бермоқ)*

EXILED PRINCE VOWS TO RETURN

Қувилган шаҳзода қайтишга ваъда бермоқда.

Газета сарлавҳалари бошқа тур ёзув услубларига қараганда бошқача грамматик қоидаларга амал қилади. .

Биринчидан сарлавҳалар одатда тугал гап шаклига эга бўлмайди. Мисол учун, MORE EARTHQUAKE DEATHS, Зилзила қурбонлари кўпаймоқда

Иккинчидан сарлавҳалар уч, тўрт ва ундан ортиқ отлар танжиридан ташкил топган бўлади . Мисол учун , FURNITURE FACTORY PAY CUT RIOT – Жихоз заводидаги маошларни камайтиришга қарши кўзғолон. Инглиз тилидаги газета сарлавҳаларида бундай турдаги бирикмаларда охирги отдан ташқари барча отлар сифат ёки аниқловчи вазифасида келади. Bunday turdagi sarlavhalarni tushunishning eng oson yo'li kontekstni o'qib ko'rish. FURNITURE FACTORY PAY CUT RIOT сарлавҳасининг маъноси жихоз ишлаб чиқарадиган заводдаги ишчиларнинг маошни кикартирганликларига қарши кўтарган кўзғолони ҳақидадир.

Учинчидан, сарлавҳаларда артикл ва “to be” феъли тушиб қолади: SHAKESPEARE PLAY IMMORAL, SAYS HEADMASTER. Шекспир тьесалари ахлоқсиздир, дейди мактаб директори.

Тўртинчидан, газета сарлавҳалари махсус змаон системасига эга. Қуйидагича “is coming yoki has produced” каби мураккаб шаклларнинг

хавларда ишлатилиши гайриоддий бўлиб, бундай шаклларнинг ўрнига, сарлавха содир бўлган, содир бўлаётган такрорий равишда содир диган иш-харакатни ифодаласа ҳам, оддий ҳозирги замон шакллари, “comes, produces” каби содда шакллар ишлатилади, BRITAIN SENDS TO FAMINE VICTIMS. *Британия очарчилик қурбонларига озик-ит юбормоқда.* STUDENTS FIGHT FOR COURSE CHANGES. *Аббаларнинг курсдан курсга ўтиш ҳаракати.* FAT BABIES CRY LESS, S DOCTOR. *Семиз чақалоқлар ҳам йиғлайди, дейди доктор.*

Баъзи сарлавхаларда ҳозирги оддий замон ҳам ишлатилиши мумкин (да ўзгарувчан ёки ривожланаётган нарсаларни ифодалаш учун), лекин да кўмакчи феъл (is, are) одатда тушиб қолади.. WORLD HEADING FOR ENERGY CRISIS. *Энергия таназзулига дунё етакчилик қилмоқда.* BRITAIN GETTING WARMER, SAY RESEARCHERS. *Британия исиб қолмоқда, дейди тадқиқотчилар.*

Келаси замонни ифодалаш учун сарлавхаларда инфинитив ишлатилади. (Бу эса, to be + инфинитив вурилмасининг қисқарган шаклидир). QUEEN TO VISIT SAMOA. *Қиролича Самоага ташириф бормоқчи.* PM TO ANNOUNCE CABINET CHANGES ON TUESDAY. *Президент аъзоси сешанба куни вазирлар маҳкамасидаги ўзгаришларни эълон қилмоқчи.*

Мажхул нисбатдаги гаплар сарлавхаларда кўмакчи феълсиз, шаклгина ўтган замон сифатдоши орқали ифодаланadi. MAN HELD BY POLICE IN MURDER HUNT. (= A man is being held ...). Бир эркак полиция томонидан тутилди. Аслида “A man is being held...” шаклида бўлиши керак эди. NUNS KILLED IN EXPLOSION. *Портлашда монах аёллар қурбон бўлди.*

Бундай турдаги сарлавхалар баъзида кишида осонгина нотўғри тушунишга олиб келади. Миол учун, BLACK TEENAGERS ATTACKED IN RACE RIOT *(Қора танли ўсмирларга пойга қўзғолонида*

хужум қилишди) сарлавҳасида феъл аслида *were attacked* шаклида бўлиши керак, “they attacked somebody” шаклида эмас. Агар хужумни ўсмирлар амала оширганда эди, сарлавҳа эхтимол, ҳозирги оддий замон ишлатиларди. (If the black teenagers did the attacking, the headline would probably use the simple present tense (BLACK TEENAGERS ATTACK ...)).

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Хулоса килиб куйидагиларни келтирсак бўлади: газета жанр ва услуби инглиз тилининг бошқа услубларидан ўзининг лингвистик, грамматик, лексик-семантик хусусиятлари билан фарқланади. Лингвистик хусусиятларига улардаги такрорланадиган сўз ва иборалар, яъни газета колипларининг кенг ишлатилиши, ҳамда И.В.Арнолд кўрсатишича унда тоқли отлар, жой номлари, муассаса номлари, ташкилот ва партиялар ишлатилиш фоизи юқоридир. Газеталарда ишлатиладиган атамалар асосан байналминал характерга эга бўлиб, кўпинча бир хил сўзлар билан таржима қилинади. Неологизмлар ишлатилиш фоизи ҳам анча юқори бўлиб, бу неологизмлар бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ёки янги тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир. Уларнинг ясалиши ва тузилишига қараб инглиз газеталарига хос неологизмлар сўз яшаш, сўз ўзгартириш ва бошқа тиллардан ўзлаштириш каби йўллар орқали ясаладиган сўзлар гуруҳига бўлинади. Сўз ясалиш услуби билан ясалган неологизмлар. Сўз қўшиш, аффиксация, конверция ва қисқартмалар натижасида пайдо бўлганлардир. Ушбулардан газета услуби учун энг махсусдори сифатида конверция ва қисқартмаларни мисол килиб келтирсак бўлади. Конверция усули билан феъл ва равишлардан ясалган отлар кўпчиликни ташкил этади. Улардан баъзиларидаги иккинчи компонент такрорланиши яққол кўзга ташланади: Stay – in, Sit – in, teach – in, apply – in ва ҳақозолар.

Аффиксация - усули билан ясалаган сўзлар ҳам кенг микёсга эга бўлиб, газета материалларида улар кўп ҳолларда ишлатилишдан чиққан аффикслар, яъни – ship - дом, - ise (-ize) ёрдамида ясалиб, одатда янги тушунча пайдо қилиш билан ишлатилишга кириб, улар акс этган экстралингвистик ҳолатларнинг йўқолиши билан бирга йўқолиб кетиши мумкиндир. – bangdom, statesman, officialdom, westernize, demilitarization, anti- fascist, remilitarization, anti- Apartherd ва бошқалар.

Конверция - яъни шаклини ўзгартирмай, бир сўз туркумидан иккинчисига ўттириб, янги пайдо бўлган сўзларга феълдан отга: a cut, a hit ёки сифатдан отга: unemployment, the needy, casuals ва бошқалар мисол бўлиши мумкин. Қисқартмалар инглиз ва Америка газеталарига хос энг мухим хусусият бўлиб, аввал улар янги пайдо бўлган атама, ташкилот, корхона номлари ва бошқа иборалар ёки сўзларни қисқартириб ишлатиш мақсадида газета материалларида пайдо бўлган, сўнгра эса кундалик тилга кириб келган сўзларни ўз ичига олади.

Қисқартмалар бошқа тилларга ҳам ўз холича киритилиши мумкин. Қисқартмалар бугин қисқариш, икки сўз бугини бирикиши, бош ҳарфлар қисқариши каби турлари бўлиб, уларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: Nukes, Ave, VA, govt-govn, Flo, Cap, N- bomb, A- bomb ва бошқалар.

Сўз маъносининг ўзгариши яъни, сўзнинг турли контекстда ва турли бирикмалар билан турли маъноларда ишлатилишига аталади. Бундай ҳолатларда сўз асли маъносидан узоклашади, баъзан у билан алоқаси умуман узилиши ҳам мумкин: to hit - урмоқ.

Tax payers were hit by a new tax – Янги солиқни солиқ тўловчиларнинг оғирлигига урди.

The city was hit by an earthquake – шаҳар зилзиладан зарар кўрди.

Марч – намоёиш, Lobby - даҳлиз, янги сўз эса lobbyist – парламент маъноси. Lobby – парламент, canvas-йўғон газлама, canvas – жамоа фикри, to canvas – жамоа фикрига таъсир ўтказиш.

Сўз ўзгартариш усули ҳам глобаллаштириш жараёнига юз тутган дунёда жуда маҳсулдордир. Бу усул натижасида бир тилдан бошқа тилдан янги сўзлар кириб келиб, улар ўзлаштирилади. Ўзлаштириш айнан ҳарфма-ҳарф, сўзма-сўз таржима қилиб ўзлаштиришдир. Бирок, ўзлаштирилган сўзлар ҳар доим ҳам икки тилда тўлиқ мос келадиган тушунчаларни ифодамайди. Масалан, Administration, public ва бошқалар. Лекин, кўпчилиги бир хил

тушунчани ифодалаш мумкин: Computer, display, escalator, confrontation
 Газета штамплари, яъни сондан-сонга такрорланиб, бир хил шаклларда
 ишлатиладиган сўз бирикма ва иборалардир. Улар ўзига хос газета услубини
 ташкил етиб, мақолада хабар етказишнинг анъанавий услубини намоён
 этади.

Инглиз - америка газета сарлавҳаларини таржима қилишда ўзига хос
 ёндашувни талаб қилади. Агар сарлавҳада образлилик мавжуд бўлса, у ҳолда
 матнни таржима қилиш олдидан уни ўкиб чиқиш ва унинг матндаги
 маъносини аниқлаш даркор. Шундан сўнггина биз сарлавҳада образлилик
 унсурларини таржимада саклаб қолишга ҳаракат қиламиз. Кўп ҳолларда
 сарлавҳанинг кизиқарлилигини оширишга қаратилган унсурлар мавжудки,
 сарлавҳа ўзининг ахборот вазифасини йўқотади ва хабарда мавжуд
 маъносини бермайдиган даражада бўлиб қолади. Бундай ҳолларда
 сарлавҳадаги сўзлар сонини унинг матндан маъно берувчи сўзларни олиб
 сарлавҳага қўшиш лозимдир.

Хулоса қилиб айтганда, сарлавҳаларни таржима қилишда аввал унинг
 матни билан чуқур танишиш керак, мақсад сарлавҳани тўғри, аниқ ва
 тушунарли қилиб таржима қилишди. Инглиз - америка газеталаридаги матн
 ўзига хос қолипи, сиғимининг кичиклиги ва сарлавҳалар таркибидаги
 сўзларнинг образлилиги билан ажралиб туради.

Газета тили хусусиятларида грамматик, лексик, лингвистик ва стилистик
 хусусиятлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади ва оддий сўзлашув ва бадий
 услубдан фарқ қилади. Бирок, илмий услубга хос атамаларнинг кенг
 ишлатилиши ва мақсадни аниқ ва лўнда ифодалаш билан ўхшашлиги
 кўпдир. Аммо, газета тилида илмий тилдан фарқи ўларок таъсирчан
 воситалардан ҳам кенг фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов.И.А . Ўзбекистон иктисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент “Ўзбекистон “1995.
2. Каримов .И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент” Ўзбекистон”, 1998.
3. Кадрлар тайёрлаш илмий дастури. Тошкент 1997.
4. Арипова Х.А. Бакаева Д. Проблемы культуры речевого общения. Til va milliy madaniyat. Xalqaro ilmiy- nazariy konferensiya materiallari. Samarqand: SamDChTI nashri, 2004, - 161 – 162 b.
5. Арнолд И.В Стилистика современного английского языка. Л.,1988 С. 76-77
6. Атхамова С. Газетный заголовок как показатель авторского стиля журналиста. Тил тизими ва нуткий мулоқат. Республика илмий - амалий анжумани материаллари. Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2010 – 195-196 б.
7. Бегматов М.Б Газета сарлавҳаларининг коммуникатив прагматик функциялари Хорижий тил таълимининг когнитив – прагматик тамойиллари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари- Самарқанд: СамДЧТИ, 2007-24-25. б.
8. Бегматов. М. Б, Эшонкулова, Г. Газета тилининг айрим хусусиятлари хақида мулоҳазалар, Тил системаси ва ҳозирги замон лингводи-дактикаси. Республика илмий - амалий анжумани материаллари. Самарқанд 2010, 131-132 б
9. Бегматов М. газета сарлавҳаларнинг асосий функциялари. Тил, маданият, жамият – цивилизациялар чоррахасида 9-халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд 2012. 115-116 б.
10. Боймирзаева С. Матн мулоқот бирлиги сифатида. Тил тараққиётининг лексик ва грамматик муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд 2012, 203-205 б.

11. Boymirzayeva S., Yarmuxammedova M. "Nutqiy muloqot jarayoni va matn". – 308-309 b.
12. Борисова И.Ф. "Коммуникативный аспект текста". Nutq lingvistikasi. Xalqaro ilmiy nazariy konferensiya materiallari. – Samarqand: SamDChTI nashri, 2006, – 146-149 b.
13. Галперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка–М, 1958–С. 383-386
14. Горбунов А.П. Язык и стиль газеты. М., Изд-во МГУ 1974.
15. Деск Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989.-112 стр.
16. Jalolov J. "Chet tili o'qitish metodikasi". Toshkent: "O'qituvchi", 1996.- 324 b
17. Kuchibayev A.K. "Xorijiy tillarni o'rganishning kommunikativ asoslari". SamDChTI nashriyoti, Samarqand 2007, - 56 b.
18. Коробова Л.А. Из наблюдений над некоторыми номинативными структурами заголовков газеты В кн: Иностранная филология, Республиканский сборник, Каз.гос-ун.-т им. С.М.Кирова, Алма-Ата, 1975 вып. 5с. 60-67
19. Коробова Л.А. знаковая функция заголовка – В кн:/-ая республ. Меж.вуз.конференция. проблемы преподавания иностранных языков Алма-Ата, 1974, с. 126-135
20. Култаева Ф.Э., Ибрагимова Д.Ш. Инглиз тилида ўзлашмалар таснифи хақида. тараккиётнинг лексик ва грамматик муаммолари. Республика илмий-амалий конференсияси материаллари. Самарқанд 2012, 167-169 б.
21. Маматқулова Ш.Ж., Бобожонова О.А. инглиз тилига чет сўзларнинг ассимиляция асосида ўзлашиши

22. Нефедова Т.П. Функции газетных заголовков с краткими прилагательными – В кн: Вопросы стилистики, вып.13, Изд. Саратовского ун-та, 1977, стр. 78-89
23. Рогова К.А. Синтаксические особенности публицистической речи. (О языке газеты) Л., Изд. ЛГУ, 1975, стр. 71
24. Розенталь Д.Э. Актуальные вопросы изучения языка газеты – Вести МГУ, сер. Журналистика, 1975, № I с, 44-48
25. Safarov Sh. Maqsadli – kommunikativ metod. Tarjima jarayoni va xorijiy tillarni o'qitishning dolzarb muammolari. Respublika ilmiy- nazariy konferensiyasi materiallari. Samarqand: SamDChTI nashri, 2006, - 5- 7 b.
26. Safarov Sh. Xorijiy tilga o'rgatish–lingvogumanitar ta'limning bir ko'rinishi. Til va milliy madaniyat. Xalqaro ilmiy- nazariy konferensiya materiallari. Samarqand: SamDChTI nashri, 2004, - 71 – 73 b.
27. Сайфуллаев А. Инглиз предлогларининг ўзбек тилига таржимаси ҳақида. Тил, маданият, жамият – цивилизациялар чорраҳасида 9-халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд 2012. 232-233 б.
28. Солганик Г.Я. Общие особенности языка газеты В кн: Язык и стиль средств массовой информации и пропаганды. М. Изд. МГУ, 1980 стр. 5-23
29. Солганик Г.Я. Газетная лексика, М., 1982, с ПО
30. Суворов С.П. Особенности стиля английских газетных заголовков – В сб: Язык и стиль, «Мысль». М., 1965
31. Suleymanova N. Nominativlik va kommunikativlik hodisalarining munosabati xususida. System–struktur tilshunoslik muammolari. Respublika ilmiy- nazariy konferensiyasi materiallari. Samarqand: SamDChTI nashri, 2010, - 76 – 78 b.
32. Hoshimov O'. Q., Yoqubov I.Ya. O'rta maktabda ingliz tili o'qitish metodikasi. Toshkent, 1993, -278 б
33. Кулаков.А.А Заголовок и его оформление в газете. ИЗД. ЛГУ., Ленинград 1982 86 с.

34. Попов А.С Синтаксическая структура современных газетных заглавий и её развитие // Развитие синтаксиса современного русского языка – М 1966 72с
35. Сайфуллаев А . Газета материалларини таржима қилишга ўргатиш . Таржима жараёни ва хорижий тилларини ўқитишнинг долзарб муаммолари . Республика илмий –назарий конференция материаллари . Самарқанд : СамДЧТИ:нашри , 2006 42-43б
36. Сафронов. А.А.Стилистика газетных заголовков –В кн : Стилистика газетных жанров. М . 1987.
37. Саидова . М Прагматическая установка вопроса заголовка в газетном тексте. Хорижий тил таълимининг когнитив – прагматик тамойиллари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари-Самарқанд: СамДЧТИ, 2007-19-21. б.
38. Сатторов М . Матн, унинг таркибий қисмлари ва бирлаштирувчи воситалари ҳақида . Таржима жараёни ва хорижий тилларини ўқитишнинг долзарб муаммолари . Республика илмий –назарий конференция материаллари . Самарқанд : СамДЧТИ:нашри , 2006 ., 138-142 б
39. Турниёзов Н . Матн лингвистикаси, маърузалар матни , Самарқанд, 2004. -96 б.
40. Турниёзов . Н Матн ва унинг лингвистик таҳлили ҳақида “Хорижий филология “журнали 2003- №1 -27-29 б.
41. Турниёзов Н. Тил бирликлари ва уларнинг ўзаро муносабати хусусида. Тил таракқиётининг лексик ва грамматик муаммолари. Республика илмий-амалий конфересияси материаллари. Самарқанд 2012, 26-27 б.
42. Холмирзаева Г.Х Роль средств массовой информация и повышение познавательной деятельности студентов и учащихся национальных групп . Нутқ лингвистикаси . Халқаро илмий - назарий конференция материаллари . Самарқанд : СамДЧТИ:нашри 2006 233-234 б

43. Юлдашев Б. О фразеологизмах-заголовках в узбекском языке. Труды СамГУ, Вопросы фразеологии, вып. 14, Самарканд, 1979стр. 182-186

44. Юсупов О. Использование предлога “in” в английском языке для выражения пространственных отношений. Тил, маданият, жамият – цивилизациялар чорраҳасида 9-халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарканд 2012. 261-262 б.

Интернет манбалари

1. www.frankling.ru
2. www.google.de
3. www.ziyonet.uz
4. www.ziyo.uz